*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 1 апрель, шанба • 13 (3647)-сон

***«Милиция сафида хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг қадди-қомати келишган, чеҳраси ёруғ, истараси иссиқ, озода ва тартибли кийинган ҳамда бошқаларга ўрнак бўладиган даражада интизомли бўлиши керак, шунингдек, халқнинг осойишталигини таъминлашда ўз касбига меҳр қўйиб, виждонан хизмат қилишлари, халқимиз эса ўзларининг шундай посбонлари ва ҳимоячилари борлигига ишониб фахрланиб юришлари лозим».***

**И. КАРИМОВ.**



**29 март куни ИИВ Академиясида Олий курс курсантларининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ҳақидаги репортаж билан газетамизнинг 2-саҳифасида батафсил танишасиз.**

# ХИЗМАТГА ШАЙ СЕРЖАНТЛАР







**POSTDA·TV**

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

*Келгуси ҳафта учун*

# ХИЗМАТГА ШАЙ СЕРЖАНТЛАР

*«Милиция сафида хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг қадди-қомати келишган, чеҳраси ёруғ, истараси иссиқ, озода ва тартибли кийинган ҳамда бошқаларга ўрнак бўладиган даражада интизомли бўлиши керак. Шунингдек, халқнинг осойишталигини таъминлашда ўз касбига меҳр қўйиб, виждонан хизмат қилишлари, халқимиз эса ўзларининг шундай посбонлари ва ҳимоячилари борлигига ишониб фахрланиб юришлари лозим».*

**И. КАРИМОВ.**

Баҳор байрамларга бойлиги билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Юртимизда кенг нишонланаётган Наврўз тантаналарига республика Ички ишлар вазирлиги Академиясида бўлиб ўтган тадбир узвий боғланиб кетди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ички ишлар идораларининг хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар идоралари мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарорига биноан республика ИИВ Академия-сида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслар ташкил этилганди. Ўтган вақт мобайнида мазкур даргоҳни тамомлаган сержантлар ички ишлар идоралари хизматида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Мана, яна Академия тингловчилари, профессор-ўқитувчилари ҳамда ота-оналар Олий курс курсантларининг навбатдаги битирув маросимида иштирок этиш учун йиғилишди. Академия шахсий таркиби майдонда саф тортди.



Соат миллари 11.00 ни кўрсатганда Академия бошлиғи, генерал-майор Т. Муллажонов шахсий таркиб сержантлар тайёрлаш Олий курсларининг битирув маросимига тайёр-лиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга ахборот берди. Вазир ва таклиф этилган меҳмонлар минбарга кўтарилгач, полковник С. Тангирбердиев Ички ишлар вазирига Академия шахсий таркиби сержантлар тайёрлаш Олий курслари курсантларининг битирув тантанали маросимига сафланганини маълум қилди. Вазир шахсий таркиб билан саломлашгандан сўнг Академия бошлиғи, генерал-майор Т. Муллажонов вазирга мурожаат қилиб, битирувчиларга кичик сержант унвонлари ва дипломлар топширишга рухсат сўради. ИИВ Бош бошқарма, бошқарма раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Бу галги битирув маросими аввалгиларидан бутунлай фарқ қилади. Мазкур йиғинда 20 нафар аъълочи курсант республика Ички ишлар вазири қўлидан диплом олишга мушарраф бўлди.

Диплом топшириш маросими тугагач, республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов табрик учун сўз олиб, жумладан шундай деди:

— Бугун сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларнинг учинчи йиғинини тамомлаган 600 нафар битирувчиси хизматга йўл олмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида зарур билимларга эга бўлган, ички ишлар хизматига виждонан ёндашувчи, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга маҳорати етарли, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар идораларининг куч ҳамда воситаларидан самарали фойдалана оладиган сержантларни тайёрлайдиган замонавий билим даргоҳи фаолият кўрсатяпти, десак асло муболаға бўлмайди. Олий курсларнинг дастлабки қалдирғочлари бўлган сержантлар ҳозирда ички ишлар идораларида намунали хизмат қилиб, ўзларининг юриш-туриши, кийиниши, хулқ-атвори, муомала маданияти, касбий тайёргарлик ва жанговар маҳорати билан халқимизнинг ишончига сазовор бўлишмоқда. Биз улар билан фахрланишга тўла ҳақлимиз. Азиз битирувчилар, сизларга оқ йўл тилар эканман, энг аввало, инсон манфаатлари ва унинг қадр-қимматини ҳимоялашни, Ватанни севишни, унинг озодлиги ва ободлиги йўлида мардонавор хизмат қилишни, керак бўлса, азиз жонни ҳам фидо этишга тайёр туришни, доимо халқ дарду ташвишлари билан яшашни, қалби пок, диёнатли, иймон-эътиқодли, ҳалол инсон бўлишни, тинмай ўқиш ва изланишни ҳаётий мақсадингиз ҳамда касбий бурчингизга айлантирасизлар, деб умид қиламан.

Табрик сўзи тугагач майдонни «Ура» ҳайқириқлари тутди. Оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этди.

ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари номидан Олий курс гуманитар ва ижтимоий - ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғи, подполковник Ш. Мамадалиев, ота-оналар номидан Г. Раҳмонова битирувчиларга келгуси хизматларида муваффақиятлар тилашди. Курсантлар номидан сўз олган Ж. Мамасолиев билдирилган юксак ишончни оқлаш учун бор куч ва билимларини аямасликка ваъда берди. Шундан сўнг шахсий таркиб тантанали марш садолари остида сафдан ўтди.

Тантанали маросимдан сўнг кенг майдон бирпасда гул қучоқлаган ота-оналар ва бошқа меҳмонлар билан янада гавжум бўлди. Барчанинг юзида қувонч, ҳаяжон зоҳир эди. Айниқса, ушбу тадбирга таклиф этилган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва Тошкент Давлат юридик институтининг бир гуруҳ талабалари Олий курс битирувчиларига ҳавас билан боқишарди.

— Мазкур Олий курсларни тамомлаб, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган сержантлар айни дамда жиноятчиликка қарши курашда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ўзларининг касбий маҳоратлари билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти, — дейди тадбир иштирокчиси республика ИИВ ЖИЭББ бошлиғининг ўринбосари, полковник Салим Собиров. — Бир сўз билан айтганда, улар бизнинг талабаларга жавоб беришаяпти. Бугунги битирувчиларга ҳам хизматда омад тилайман.

Қадрдон бўлиб қолган шогирдларини табриклаётган ўқитувчиларни суҳбатга тортдик.

— Бугун нафақат битирувчилар, балки биз, ўқитувчилар учун ҳам қувончли кундир, — дейди Олий курс гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғи ўринбосари, тарих фанлари номзоди, майор Музаффар Тожибоев. — Курсантлар олти ой мобайнида патруль-пост, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, қўриқлаш, йўл-патруль, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, ёнғин хавфсизлиги ва ички ишлар идоралари бош-қа хизматлар бўйича таълим олишди. Олий курсимизда «Махсус фанлар», «Гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар», «Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик», «Юридик фанлар» цикллари мавжуд. Ҳар бир циклдаги профессор-ўқитувчилар йўналишлар бўйича назарий билим бериш билан бир қаторда мазкур ўқув жараёнларини Тошкент шаҳар ИИББ ва пойтахт вилояти ИИБда амалиёт билан боғлаган ҳолда олиб боришаётганлиги курсантларнинг касбий билим ва малакаларини оширишда омил бўлмоқда.



Фарзандларини диплом билан табриклаётган ота-оналарга юзланамиз.

—Бекобод туманидан келдик, — дейди Мирзараҳим Тошпўлатов. — Фарзандларимнинг тўнғичи Муроджон бугун кичик сержантлик унвони ва диплом олди. Ўзим кўп йиллар ёнғин хавфсизлиги хизматида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиққанман. Ўша кезлари ички ишлар ходимларига ҳавас билан қарардим. Мана, энди ўғлимиз ҳам шарафли касб эгаси бўлди. Ўғлимиз намунали ўқиганлиги учун яқинда Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совға билан мукофотланганини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Ота-онага фарзандининг камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт борми! Тўқсон ёшни қаршилаётган бувиси ҳам неварасининг танлаган касбидан ғурурланиб, доимо дуо қилиб ўтиради.

— Олий курсда жазони ижро этиш йўналиши бўйича таълим олдим, — дейди кичик сержант Муроджон Тошпўлатов. — Дастлабки бир ой мобайнида ўқув дала машғулотларида жанговар ва жисмоний машқларда чиниқиш билан бирга касбий маҳоратимизни ҳам оширдик. Гуруҳ командиримиз катта лейтенант Умид Нуриллаев ва устозларимиз хизмат сир-асрорларини ўргатишди. Энди жазони ижро этиш муассасасида хизматни давом эттирмоқчиман.

Шунингдек, фарғоналик Ҳасан-Ҳусан Атаджановлар, Тошкент шаҳрилик Муяссар Бабаджанова, Мадина Исматуллаева, пойтахт вилоятидан келган Элмурод Саидмуродов сингари юзлаб битирувчилар ички ишлар идоралари хизматига йўл олдилар.

Шу куни битирув маросими ҳақиқий байрам тадбирига айланди. ИИВ Академияси Маънавият ва маърифат марказида халқимизнинг севимли санъаткорлари — Азим Муллахонов, Равшан Комилов, Азиза Ниёзметова, Ирода Искандаровалар ижро этган шўх куй-қўшиқлар, кулги кечалари Мирзабек Холмедов ва Валижон Шамшиевларнинг ичакузди ҳангомалари даврага янада файз киритди.

Мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бел боғлаган навбатдаги битирувчиларга хизматда муваффақиятлар ёр бўлсин, деймиз.

**Қобилжон ШОКИРОВ.**

***Суратларда:*** *битирув маросимидан лавҳалар.*

**Абу КЕНЖАЕВ** *олган суратлар.*



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси ИИВга Хитой Халқ Республикасининг Жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Мэн Хунвэй бошчилигидаги делегацияси ташриф буюрди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов қабул қилди.***

Вазир мамлакатимиз ички ишлар идораларининг асосий фаолият йўналишлари ҳақида сўзлаб берар экан, хал-қаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши ва бошқа халқаро жиноятлар турларига қарши кураш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида алоҳида тўхталди.

Шунингдек, мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, яхши самара бераётганлигини, шунингдек, ахборот алмашув йўлга қўйилганлигини, Хитой томони топширган криминалистик техника ва асбоб-ускуналардан ички ишлар идоралари фаолиятида муваффақиятли фойдаланилаётганлигини қайд қилди.

Ўз навбатида ХХР Жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Мэн Хунвэй самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор этди, ҳар иккала давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги кўп қиррали, жумладан, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши курашда ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ эканлигига қатъий ишонч билдирди.

Учрашувда ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Юй Хунцзюнь, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ғ. Қодиров ва бошқалар иштирок этишди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Суратда: учрашувдан лавҳа.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**



# АМАЛИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими базасида ўтказилган семинар-кенгаш ички ишлар идоралари биноларини қўриқлаш, хавфсизлик ва шахсий таркибнинг жанговарлигини ошириш, фавқулодда ҳолатларда куч воситаларни бошқаришда соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва раҳбарларнинг роли мавзусида бўлди.

Семинар - кенгашда вилоят ички ишлар бошқармаси шаҳар ва туман ИИБ, тергов ҳибсхонаси бошлиқларининг ўринбосарлари, ЙҲХГ ва ЖТСГ катта инспекторлари ҳамда шаҳар ва туман ИИБ тезкор навбатчилари иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ИИБ ТИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Аминбой Тожиев фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари тезкор навбатчиларининг амалга ошириши лозим бўлган вазифалари тўғрисида, ТИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ғофур Давлетов эса хавфсизлик ва жанговарликни таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда куч ва воситаларни бошқаришда соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва раҳбарларнинг ролини ошириш борасидаги вазифалар, 2005 йил 13-майда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг оқибатлари, ҳушёрлик, огоҳлик, сергаклик тўғрисида тўхталди.

Семинар - кенгаш якуни бўйича шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари ва соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида ходимлар билан амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ,**
*майор.*

# АМНИСТИЯ – БУ ИШОНЧ

уни оқлаш керак, - дейди жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ботир НОРОВ.

**— Ботир Имомович, мустақиллик йилларида мамлакатимизда катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, инсон омилига эътибор ошди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн уч йиллиги муносабати билан республика Олий Мажлиси Сенати томонидан Амнистия тўғрисидаги Қарор қабул қилинганлиги инсонпарварликнинг юксак ифодаси бўлди. Ўтган давр ичида вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Бағрикенг, кечиримли бўлиш фазилати халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Кимдир хато қилса, адашса унга тўғри йўлни кўрсатиш, ҳаётини изга солиш имконини бериш миллатимизга хос фазилатдир. Қолаверса, хатони кечирмоқ — марднинг иши. Мустақиллик йилларида қадриятларимиз қайта тикланди. Маънавиятга эътибор кучайди. Инсонпарварлик бош мезонга айланди. Озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга афв эълон қилиниши бу нафақат имконият, аввало, ҳукуматимизнинг уларга билдирган юксак ишончи ҳамдир. Ишончни эса оқлаш керак. Ушбу Қарорга асосан вилоятдаги мавжуд жазони ижро этиш муассасаларидан 441 нафар маҳкум жазодан озод этилди. Бундан ташқари, кўпчилигининг жазо муддатлари қисқартирилди. Бир сўз билан айтганда, ҳозирга қадар 2300 нафардан зиёд маҳкумларга амнистия акти қўлланилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, мазкур Қарор ҳуқуқ - тартибот идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсонпарварлик тамойилига амал қилиш фаолиятимизнинг муҳим шартидир. Бу эса иш жараёнида озодликка чиқарилаётган ҳар бир маҳкумга оид ҳужжатларни чуқур ўрганишни, холисона иш юритишни тақозо этади. Ҳар бир ҳужжат ортида инсон тақдири туради. Унга бефарқ қарашга, юзаки ёндашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**— Ботир ака, озодликка чиқаётган маҳкумларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари осон кечмайди. Уларга ҳуқуқ - тартибот идоралари томонидан моддий ва маънавий ёрдам берилаётгани сир эмас. Бу борада жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари, маҳалла, ҳокимият вакиллари билан ҳамкорлик қай даражада?**

— Албатта, озодликка чиққан маҳкумларнинг иш билан таъминланиши, оилавий муҳит, теварак-атрофдагиларнинг уларга муносабати катта аҳамиятга эга. Ишсизлик, жамиятдан узилиб қолиш, қолаверса, ижтимоий ночорлик ҳам яна жиноятга олиб келиши мумкин. Масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, ҳар бир маҳкумнинг жазони ўташ жойидан ўзи истиқомат қиладиган ҳудудга етиб олиши, у ерда яшаш ва ишлашлари учун имконият яратиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Жойлардаги ҳокимиятлар, бошқа идора ва ташкилот раҳбарлари билан кўмаклашиш юзасидан кенгашиб олинди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишларида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Озодлик — олий неъмат. Унинг қадрига етиш, ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигига фақат ҳалол меҳнат билангина жавоб бериш лозим. Муассасаларда бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатларда оиласи, яқинлари бағрига қайтаётган маҳкумларга келгусида ҳаётини қайта бошлашлари, эл-юрт ишончини оқлашлари учун барча имкониятлар яратилганлиги тушунтирилди.

**— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош: Нигора РАҲИМОВА,**
*Навоий вилояти.*

# ХАВФСИЗЛИККА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

***Президентимизнинг шу йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш имконини берди. Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ЙҲХБ томонидан мазкур қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.***

Асосий эътибор биринчи галда йўловчи ва юк ташувчи транспорт воситаларининг техник кўригидан ўтказилишига, фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия билан таъминланганлигига қаратилмоқда. Бу борада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, «Ўзавтодарётранс» агентлиги ҳудудий бўлими ва вилоят солиқ бошқармаси ходимлари ҳамкорликда амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Ҳозирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида нуфузли комиссиялар фаолият юритаётгани туфайли қисқа вақт ичида минглаб автотранспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилди, бир неча юзтасига фаолият билан шуғулланиш учун лицензия берилди.

Бу катта ишнинг бошланиши, холос. Айни кунларда йирик автохўжаликларда техника кўригига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Алоқадор назорат идоралари буйруқ бериш ва талаб қўйиш каби эскича иш услубларидан воз кечиб, амалий ёрдам кўрсатиш ва ташвиқот-тарғибот ишларига аҳамият беришаяпти. Айниқса, хусусий автохўжаликларда бу вазифага кўтаринки руҳда киришилмоқда.

Кези келганда шуни таъкидлаш зарурки, вилоятда фаолият кўрсатаётган кўпгина автобус саройлари таъмирталаб. Чорак аср аввал ва ундан ҳам илгари ишлаб чиқарилган автобуслар, микроавтобуслар йўқ эмас. Уларда йўловчи ташиш анчагина муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Шу туфайли кўрик чоғида бундай техника воситалари ҳар томонлама соз бўлиши, керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминланиши, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ техника назорати бўлими бошлиғи, подполковник Дониёр Норқобилов ҳозирда ташвиш кўпайган. Чунки у раҳбарлик қилаётган жамоа техника кўригини ташкил этиш, автотранспорт воситаларини лицензиялашга кўмаклашишдек кенг қамровли ишларга бош-қош бўлмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан йўловчи хавфсизлиги ва юк ташиш тизимида сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда.

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан биргаликда йўловчи ва юк ташиш транспортини фаолият тури бўйича лицензиялаш кенг йўлга қўйилди, — дейди «Ўзавтодарётранс» агентлиги Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи Комил Ғаффоров. — Айни пайтда биз автобус ва микроавтобусларни лицензиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширдик. Эндиги навбат енгил автомобилларга.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят ҳудудидаги йўлларда йўловчи ташишда енгил автомобиллар, айниқса «Дамас» автомашиналари салмоқли ўрин тутади. Уларнинг ҳайдовчилари жойларда ташкил этилган йўловчи ва юк ташиш уюшмалари орқали лицензия олишаётгани ортиқча оворагарчиликнинг олдини олмоқда. Биргина Музработ туманида юзлаб автобус, микроавтобус ва енгил автомобилларнинг эгалари қисқа вақт ичида ана шундай лицензияларни қўлга киритдилар.

Бир сўз билан айтганда, йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муносиб ютуқлар қўлга киритилаётгани аҳолига қулай транспорт хизмати кўрсатишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

**С. ОМОНТУРДИЕВ.**

МАҲАЛЛА ТИНЧ – ЮРТ ТИНЧ

# КЕКСА-ЁШГА БИРДЕК ҒАМХЎР

***Ҳаёт синовларида чиниққан, турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, ибратли оила бошлиғи сифатида танилган кишигина маҳаллага раҳбарлик қилиб, халқ ишончини тўла-тўкис қозона олади. Зеро, кексага ҳам, ёшга ҳам бирдек муносабатда бўладиган, энг муҳими, уларнинг тинч-тотув турмуш кечириши, осойишта ҳаёти учун қайғурадиган инсон бундай ўринга муносибдир.***

Китоб туманининг "Гулистон" маҳалласида бўлиб, фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги полковник Тошпўлат ака Одилов билан суҳбатлашганимда кўнглимда ўз-ўзидан юқоридаги фикрлар кечди. Тошпўлат ака ҳозир 65 ёшда бўлса-да, кексаликни тан олгиси йўқ. Аниқроғи, бу инсоннинг маҳалладошлари қаритиб қўйишмайди. Т. Одилов 38 йил ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилиб, осойишталик йўлида фидойилик кўрсатди. Туман ИИБ фахрийлари уни ғамхўр раис сифатида тилга олишса, гулистонликлар куюнчак маҳалла оқсоқоли эканлиги билан фахрланиб келишади.

Беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла Китоб шаҳрининг Самарқанд йўналишидаги катта кўча атрофида жойлашган. "Гулистон"да бўлган суҳбатимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йили мавзусида бўлди.

— Маҳалламиз аҳолиси бир қадар тиғиз жойлашган, — деди раис. — Шунга яраша ташвишлари ҳам етарли. Юзга яқин кам таъминланган ва еттита боқувчисини йўқотган оила бор. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан эълон қилинган давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама мукаммал режа туздик. Унда баъзи корхоналарнинг ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлиги ҳам белгиланди. Бундан ташқари, маҳаллада фаолият юритаётган тадбиркорлар ташаббус билан чиқишаётир. Кичик корхона эгалари Абдусалом Ўрақов, Ўроқ Солиев, шунингдек, туман тайёрлов бўлими бошлиғи Усмон Валиев каби саховатпеша инсонлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳалла гузарида маъданли сув қадоқлаш, тикувчилик цехи, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, сартарошхона, ошхона фаолияти йўлга қўйилди.

Умримнинг асосий қисми ички ишлар идоралари тизимида кечганлиги боис, аҳоли осойишталигини таъминлаш доимо диққат-эътиборимда. Бу масалада профилактика инспектори, капитан Ихтиёр Азимов, маҳалла посбонлари сардори Абдурайим Раҳмонов, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Раҳима Эгамбердиева ва яраштириш комиссияси раиси Шайман Раҳмоновлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кўплаб тадбирлар ўтказаяпмиз. Саъй-ҳаракатлар туфайли йилнинг ўтган даврида бирорта жиноят содир этилмади. Тўртта кўчага кўчабошилар бириктилган. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳалладошлар муаммоларини бизга етказишда уларнинг тутган ўрни катта бўлаяпти.

Биз Тошпўлат ака раҳбарлик қилаётган "Гулистон" маҳалласи гузари, кўчаларини айланиб, амалга оширилган ободончилик ишларидан кўзимиз яшнади. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Т. Тошниёзов маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳақида шундай деди:

— Туманда 37 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлса, шундан фақат биттасида ички ишлар фахрийси бошчилик қилаяпти. Аҳоли яшаш жойларига эса ана шундай ҳуқуқшунос раҳбарлар керак. Тошпўлат акани халқнинг ўзи сайлаган. Отахон олиб бораётган ибратли ишлардан барча мамнун.



***Суратда: истеъфодаги полковник Т.Одилов (ўртада) профилактика инспектори, капитан И. Азимов ва маҳалла посбонлари сардори А. Раҳмоновлар билан.***

**Абдуқаҳҳор ЭЛМИРЗАЕВ.**

# ЯШАШНИНГ МАЪНОСИ

## ёки муқаддам судланганлар ҳаётига бир назар

У пайтлар бола эдик. «Аброр ака қамоқдан чиқибди», деган хабар маҳаллага тез тарқалди. Ўша кезлари катталарнинг сўзларига ишонувчанлигимиз боис, бу одам қўпол, раҳм-шафқатсиз бўлса керак, деган ҳадик бор эди бизда. Аммо бир куни тенгқурларим билан кўча четидаги ўрик дарахтига тош отмоқчи бўлиб турганимда, ўша «ҳайбатли» амаки келиб қолди. «Дарахтга тош отманглар, унинг ҳам жони оғрийди» деб, остига тушган ўрикларни тера бошлади. Шу воқеа сабаб бўлдию у кишига нисбатан фикримиз бутунлай ўзгарди. Ҳар кўрганимизда ҳурматини бажо келтириб, салом берадиган бўлдик.

Хўш, айни пайтда жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларнинг ҳаёти қандай кечмоқда? Улар билан профилактик ишлар олиб боришда асосан нималарга эътибор берилмоқда? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасида бўлдик.

— Ҳозирда туман бўйича 58 нафар муқаддам судланган шахсни профилактик ҳисобга олганмиз, — деди ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, капитан Д. Азизов.— Шулардан 47 нафари амнистия бўйича афв этилганлардир. Профилактика инспекторлари уларни назоратга олиб, оилавий шароитларини яхшилаш ва иш билан таъминлаш учун барча чораларни кўришаяпти.

Тумандаги «Кичик хирмонтепа» маҳалласига ташриф буюрганимизда профилактика катта инспектори, майор А. Шералиев профилактика инспектори, лейтенант Т. Мусаев, маҳалла оқсоқоли А. Йўлдошев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи О. Қурбонова ҳамда маҳалла посбонлари баҳорги ободонлаштириш ишлари қандай бораётганини муҳокама қилишаётган экан. Йиғилишдан сўнг уларга ўз мақсадимизни баён этдик.

— Жазодан озод этилган ҳар бир шахсга алоҳида профилактик ҳисоб варақаси юритилган, — деди майор А. Шералиев. —Белгиланган муддатда якка тартибда суҳбат олиб бораяпмиз. Бунда уларнинг оилавий аҳволи, бирор иш билан бандлиги, қандай шахслар билан мулоқотда бўлаётгани ва бошқа жиҳатларга эътибор берилаяпти.

— Кўпчилигининг гулдек ҳунари бор, — дея суҳбатга қўшилди А. Йўлдошев. — Масалан, С. Шукуров «Алгоритм» заводида радиомонтажчи, Ў. Ўтанов Учтепа туманида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида авточилангар бўлиб ишлайди. Ҳалол пул топиб оила тебратяпти, фарзанд тарбияламоқда.



Ўткир Ўтановлар хонадонида бўлганимизда бунга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Ҳаммаёқ озода, саришта. Ўткир ака ва Муҳаббат опалар бир қизни вояга етказишмоқда. Муҳаббат опа пойтахтдаги шошилинч тиббий хизмат марказида ҳамшира бўлиб ишлайди. Оилада эса оқила бека, суюкли ёр. Унинг ёдида, турмуш ўртоғи жазони ижро этиш муассасасидан келганида қизалоғи дадасининг қучоғига биринчи бўлиб отилганди. Ўшанда Ўткир ака бошидан кечирган барча қийинчиликларни унутиб юборган бўлса ажаб эмас. У оиласи бағрига тезроқ қайтиш учун муассасада яхши ишлади, ўзини кўрсатди. Мана энди қадрдонлари билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

— Тўғриси, Ўткиржон судланиб чиққанига сира ишонгим келмайди, — деди унинг ён қўшниси Г. Ашурова.— Негаки, ўзининг феълатвори ва муомаласи билан ҳурмат қозонди. Уйим-жойим, маҳаллам, деб куйиб-пишади.

«Алгоритм» даҳасидаги «Бўстон» маҳалласига борганимизда профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари баҳамжиҳатликда олиб бораётган ишлардан кўнглимиз тўлди. Ушбу гўшадаги 22 нафар муқаддам судланганларнинг 15 нафари меҳнат биржаси кўмагида фойдали меҳнатга жалб этилган. Улар профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, уй бошлиқлари ва мураббийлар томонидан назорат қилинаётгани ўз самарасини бераётир.

— Мураббийликка асосан жазодан озод этилган фуқаро билан яқин яшовчи, унинг оиласи ва ижтимоий аҳволини яхши биладиган, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга, обрў-эътиборли инсонлар тайинланаяпти, — деди профилактика катта инспектори, катта лейтенант Н. Ибрагимов. — Улар зарур маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатиб боришяпти.

— Санжар белгиланган жазо муддатини ўтаб қайтгач уйланди, — деди мураббий. А. Ёқубов —Профилактика катта инспекторига раҳмат, уни тўғри йўлга солиш учун бор куч-ғайратини аямаяпти. Ҳозир умр йўлдоши билан тотув ҳаёт кечираяпти. Барака топгур келин меҳнаткаш, саришта аёл. Тўртинчи қаватда яшаса-да, эрталаб йўлакларни чиннидек қилиб супуриб қўяди.

Қувончлиси, қўшнилар, маҳалладошлар ҳам Санжар ва унинг оиласи ҳақида илиқ сўзлар айтишди. Айни пайтда у Юнусобод туманидаги автомобиллар тўхташ жойида назоратчи бўлиб ишлаяпти. Наима опа ўғли жамиятга наф келтираётганидан мамнун.

Ҳа, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган инсонлар ҳаётга мослашиб боришаяпти. Бунда уларнинг оила аъзолари, яқинларидан ташқари профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва жамоатчиликнинг роли катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорига асосан биргина Чилонзор тумани бўйича озодликка чиққан шахсларнинг 9 нафари туман меҳнат бўлими, 3 нафари эса ИИБ ҲООБ томонидан ишга жойлаштирилди. Масалан, А. Михайловна ҳамда Е. Карповлар туман ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма-мослашиш маркази томонидан «Тошкент метро қурилиши» масъулияти чекланган жамиятга ишга киритилиб, ётоқхона билан таъминланди.

Беайб — парвардигор, дейишади. Инсон ҳаёт сўқмоқларида адашиши мумкин. Уни тўғри йўлга солиш фақат профилактика инспектори ёки маҳалла фаолларининг иши эмас. Бу вазифага ҳар биримиз инсоний бурч сифатида қарашимиз зарур. Зеро, кишини эзгу мақсад сари бошлаш ҳам савобдир. Савобли ишни эса, юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, ҳар ким, ҳар куни қилиши лозим.

Пойтахтимизнинг бир туманидаги жазодан озод этилган шахсларнинг турмуш тарзидан кўриниб турибдики, улар ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётдан ўз ўринлари, оилада эса бахтиқболларини топишаяпти. Бу эса улар яшашнинг маъносини англаб етишганини кўрсатиб турибди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**

# СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***Инсон саломатлиги ҳар нарсадан азиз. Соғлигинг — бойлигинг, деб бежиз айтишмайди. Бардам-бақувват ота-онадан соғлом фарзандлар туғилади. Юрт келажаги равнақ топиб, аҳоли фаровон ҳаёт кечириши болаларимизга боғлиқ экан, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишларига эришмоғимиз керак. Шу боис ҳам республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин дастлабки йиллардан соғлиқни сақлаш ишларига алоҳида аҳамият берилди. Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий, юксак самарали тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу жараён давом этяпти.***

Мустақиллик йилларида ривожланган давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги тажрибалари асосида республикамизда бу тизимни ҳар томонлама яхшилаш борасида кўплаб қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижобати боис тизимда сезиларли даражада ўзгаришларга эришилди.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги Марказий шифохонаси тубдан янгиланиб, замонавий тус олди. Шифокор ва ҳамшираларга ички ишлар ходимлари, уларнинг оила аъзолари, пенсионер-фахрийларнинг саломатликларини тиклаш, даволашлари учун ҳар томонлама қулайликлар яратилди. Шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бир қатор вилоятлардаги сиҳатгоҳлар тўла таъмирланди, хизмат кўрсатиш кўлами кенгайтирилди. Шифокор ва ҳамшираларнинг малакаларини ошириш, даволаш, профилактика ишларида замонавий ва самарали услубларни ўзлаштиришлари, тажрибаларини ошириб боришларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тиббиёт муассасаларига мурожаат этиб келган ҳар бир ходимга, уларнинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун бор имкониятлардан фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам кейинги йилларда шахсий таркиб ўртасида айрим касалликларнинг камайишига эришилди.

Шу ўринда инсон, аввало, саломатлиги учун ўзи қайғурмоғи лозим, деган иборани эслатиб ўтиш жоиз. Чунки, халқимизда танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Ҳар бир инсон саломат, бардам юриши биринчи галда унинг ўзига боғлиқ. Ҳар биримиз буни чуқур англаб етмоғимиз керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг асосли хулосаларида ҳам бу фикр тўла исботини топган. Маълум бўлишича, тиббий хизмат соғлигимизнинг атиги 8-10 фоизини таъминлар экан, 20 фоизи эса ирсий омилларга, яна 20 фоизи атроф-муҳитга қолган ярмидан кўпроғи эса турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан. Бу илмий хулосаларда, саломатликни барқарорлаштириш йўлидаги узоқ йиллик изланишлар давомида соғлом ҳаёт кечириш ҳамда узоқ умр кўришнинг ягона ва ишончли йўли соғлом турмуш тарзи эканлиги исботланди. Шу боисдан ҳам соғлом турмуш тарзи давлат аҳамиятидаги муҳим масалага айланганди. Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 1993 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси тузилди ва шу номда орден таъсис этилди. 1996 йилда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, 1998 йилда Президентимиз томонидан «Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиғи сифатида республика аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва оммалаштириш мақсадида Саломатлик институти ташкил этилди. Ҳозирги кунда барча вилоятларда унинг ҳудудий филиаллари ҳам ишлаб турибди.

Соғлом турмуш тарзи ва унинг асосий йўналишлари, тўғри ва рационал овқатланиш, бадантарбия билан шуғулланиш, иш режимини биологик қонуниятлар асосида ташкил этишдан иборат. Жинсий тарбияни тўғри олиб бориб, соғлом оилалар вужудга келишига эришиш керак. Шунингдек, руҳий осойишталик ва муомала маданияти, зарарли одатлардан тийилиш, шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш, бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишлардан сақланиш ҳам саломатликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Саломатлик — туман бойлик, деймиз. Инсон соғлиғи Яратган томондан берилган неъмат ва уни омонат деб билиш ҳамда соғлиғимиз ўз қўлимизда эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ички ишлар ходимларининг соғлигини ҳимоя қилиш, даволаш-профилактика борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жойлардаги тиббиёт масканларида ходимларга кечаю кундуз хизмат кўрсатиш ташкил қилинган.

ИИВ бириктирилган контингентига даволаш-профилактика ишларини олиб бориш, уларнинг хизмат қилиш, дам олиш, овқатланиш шароитларини яхшилашга қаратилган режа тадбирлар тузилган. Уларнинг бажарилиши назорат қилиниб, зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ички ишлар ходимларининг фарзандларини баркамол ўстириш, уларни соғломлаштириш учун кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.



Ҳозирги кунда республикамизда ички ишлар идораларига қарашли 16 та мактабгача тарбия муассасаси, 4 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари, 1 та махсус мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Фарзандларимизнинг соғлиғини назорат қилиб туриш учун ҳар бир муассасада болалар шифокорлари ва ҳамширалари хизмат кўрсатмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларида 2391 нафар болажонлар тарбияланмоқда, ҳар йили ёзги таътил кунларида 3,5 мингдан ортиқ фарзандларимиз оромгоҳларда дам олиб, соғлиғини тикламоқда. Уларнинг соғлом тарбияланиши учун керакли бўлган барча шароитлар яратилишида тиббиёт ходимларининг ҳам хизмати катта бўляпти.

Ички ишлар идораларига хизматга, ИИВ тасарруфидаги олий ўқув юртларига ақлан соғлом, жисмонан бақувват йигит-қизлар танлаб олиняпти. Шахсий таркибнинг соғлиғини сақлаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши, айрим юқумли касалликларни аниқлаш ва олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари, ҳарбий қисмлар аскарларини, шахсий таркибнинг 26 ва 46 ёшдаги ходимларини профилактик эмлаш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Бундан ташқари вазирлик тизимидаги Санитария-эпидемиология назорат марказлари томонидан шахсий таркибга яратилган коммунал-маиший шароитлар, меҳнат ва дам олиш, овқатланиш шароитларини яхшилашга қаратилган тавсиялар берилиб, зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатиляпти. Шунингдек, юқумли ва паразит касалликларни тарқатувчи — кемирувчи ва ҳашаротларни йўқ қилишга қаратилган, дезинфекция, дератизация, дезинсекция тадбирлари режали олиб борилмоқда.

Соғлом авлод келажагимиз пойдевори экан, у, аввало, мустаҳкам бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар, ўсмирлар, болаларнинг етти мучаси соғ бўлиши лозим. Саломатлиги яхши инсоннинг фикрлари теран, маънавияти юксак бўлади. Фуқароларнинг узоқ умр кўриши, бардам-бақувват бўлиб юриши борасида давлат томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар, шифокорларнинг хизматлари зое кетмаслиги учун ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз, саломатлигимиз ҳақида ўзимиз қайғуришимиз керак.

**А. АМИНОВ,**
*Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник.*

*Мамлакатимизда ислоҳотлар жараёни кечаётган бир пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари олдига кенг қамровли вазифалар қўйилгани барчага маълум.*

# ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ – АСОСИЙ МЕЗОН

Республикамиз Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш ҳақида алоҳида тўхталиб, «...бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди», деб алоҳида таъкидлаган эди. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва такомиллашуви кўп жиҳатдан ички ишлар идоралари фаолияти билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш лозим. Шу сабабли, жамиятнинг барча аъзолари қатори, ички ишлар ходимлари учун ҳам ҳуқуқий маданият муайян ижтимоий вазифаларни бажаришда муҳим омил, деб эътироф этиш лозим. Шунинг учун ички ишлар идоралари тизимини модернизациялаш ва ислоҳ қилиш, фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2001 йилда республикамиз Президентининг Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан ички ишлар идораларининг тузилиши бугунги кун талаблари даражасида ўзгартирилди ҳамда бюрократия, сансолорлик ҳолатларига барҳам бериш мақсадида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш чоралари белгиланди. Айниқса, профилактика хизматини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани, жойларда милиция таянч пунктлари ташкил этилиши ва ички ишлар идораларининг кенг жамоатчилик билан алоқаси янада мустаҳкамланишига олиб келди.

Ҳозирда яна бир долзарб вазифа — ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий мезони тўғрисидаги масала ўз ечимини кутиб турибди. Чунончи, жиноятлар очилишининг миқдорий кўрсаткичларини ҳуқуқтартиботнинг қонунийлигидан иборат сифат мезонлари билан алмаштириш фурсати келди. Ана шундай эскича иш услубидан қутилиш учун аввало, аҳоли ўртасида учраб турадиган арзимаган майда ҳуқуқбузарликларга яраштирув институтини кўпроқ қўллаш, бу борада ўзини-ўзи бошқариш идоралари вакиллари ва маҳалла посбонлари кучига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий билимини ошириш, ҳуқуқий маданият умуминсоний қадрият эканлигини тўла англашларига эришиш долзарб муаммо бўлиб турибди. Ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлиги меъёрий ҳуқуқий мувофиқлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, тизимни ҳуқуқий жиҳатдан таъминламаслик ходимларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни унутишлари ва хизматда камчиликларга йўл қўйишларига олиб келиши мумкин. Шу сабабли республика Ички ишлар вазирлигининг барча бўғинлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидан маълумки, ички ишлар идоралари мажбуриятларининг ҳаддан ташқари кенгайиши унинг имкониятлари, фаолият доирасини пасайтиради, натижада кенг жамоатчиликнинг ички ишлар ходимларига нисбатан ишончсизлиги ортади.

Ўтган йили ички ишлар идоралари фаолиятини ўрганиш бўйича республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Маркази томонидан вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилган сўровлар натижасига кўра, аксарият жойлардаги ички ишлар ходимлари орасида бюрократия, сансолорлик ва ҳанузгача эскича қарашлар мавжудлиги эътироф этилган. Ҳатто, айримларининг хатти-ҳаракатларида қонун даражасидан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд. Бу ҳақда Президентимиз И. Каримов: «Кўп нарса раҳбаримизга, ана шу қонун ва ҳуқуқни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим» деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳуқуқий тарбия тадбирларини ўтказишда муҳим таъсирчан омиллардан бири — шахсий таркибнинг қонунларга, амалдаги меъёрий ҳужжатларга нисбатан тўғри ёндашувини шакллантиришдир.

Шу мақсадда ходимларни тарбиялаш, касбий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим эканлигини унутмаслик лозим. Вазирлик тизимида уларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига биринчи навбатдаги долзарб вазифа сифатида қаралиб, мураббийлик институти жорий этилган. Бунда ҳар бир ёш ходим лавозимга тайинланиши билан унга тажрибали ходимлардан бири устоз сифатида, яъни, мураббий этиб бириктирилади. Устоз касб сир-асрорларини ўргатиш билан бирга уни тарбиялаб ҳам боради. Ички тартиб-интизом, ҳарбийларга хос саломлашиш одобидан тортиб, раҳбар ва тобе ходимлар, лавозими ва унвони тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ички ишлар ходимларининг фуқаролар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, тартиббузарлар билан ўзаро муомаласи хизматдан ташқари вақтдаги хулқ-атвори, одоб қоидалари, бажарилган иш учун раҳбарга ахборот бериш тартиби ички ўрнатилган қоидалар асосида бўлиши лозим. Шунинг учун хизматга янги қабул қилинган ходим у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўзига хос мактабни ўташи зарур. У мураббий ёрдамида ўрнатилган тартиб қоидани ўрганиш билан бирга бевосита раҳбари томонидан ҳам тарбияланади. Бу жараён вазирликнинг ходимлари билан якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш тўғрисидаги махсус буйруғи асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тарбиявий ишларнинг аҳамияти ўзига хос. Айтайлик ходим айрим ҳолларда оила ташвишлари ёки ички кечинмалари туфайли хизматга муносабати ўзгариб қолиши мумкин. Шундай кезда раҳбар уни қийнаётган муаммони аниқлаб, ечимини топишда яқиндан кўмаклашиши лозим.

Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларини тарбиялашнинг жамоатчилик усули ҳам мавжуд бўлиб, бу ахлоқ-одоб ва интизом судлари ҳисобланади. Ходимнинг оила-турмуш доирасида ёки хизмат фаолиятида йўл қўйган хато-камчиликлари, нуқсонлари мазкур судда муҳокама қилинади. Суд қарорига кўра, ходимга нисбатан қилмишига яраша жазо чоралари кўрилади ёки муҳокама билан чегараланилади.

Ходимларни тарбиялаш ва улардаги масъулиятни кучайтиришда раҳбарларнинг доимий назорати муҳим аҳамиятга эга. Бунда ходим зиммасидаги ишлар билан бир қаторда қўшимча топшириқларни ҳам ўз вақтида бажаришни ўрганиб боради. Доимий назорат маълум бир тартиб- қоидани ҳам шакллантиради. Яъни ходим, мустақил равишда кунлик, ҳафталик ишларни режалаштириб, ижроси бўйича назорат олиб боришни ўрганади. Яна бир муҳим тарбия услуби, бу раҳбар ёки мураббийнинг ўзи ходимига бажарган ишини намуна қилиб кўрсатиб, ундан талаб қилишидир. Бу усул айниқса, жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулотларида кўп қўлланилади.

Албатта, тарбия усули қандай шакл ва мазмунда бўлишидан қатъи назар, янги ходимнинг ўзи раҳбар, мураббий ёки ҳамкасби ўрганганларини пухта ўзлаштириб олишга интилмас экан, эришилган натижа самарали бўлмайди. Хуллас, тарбия жараёнида нафақат янги ходимнинг зийраклиги ва зукколиги, балки мураббий ва раҳбарнинг билими, тажрибаси ва ўз билганларини шогирдига ўргата олиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўриниб турибдики, ҳар бир ички ишлар ходими, раҳбардан тортиб оддий сафдоргача ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши ва доимо интилишда бўлиши давр талабидир.

Шундагина у билими, тажрибаси, муомаласи, юриш-туриши, кийиниши, касбий тайёргарлик ва жанговар маҳорати ва энг асосийси фидойилиги билан халқимиз ишончига сазовор бўлади.

**Абдуғафур САТТАРОВ,**
*республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник.*

**«ИССИҒИДА» ФОШ ЭТИЛДИ**

# БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Фарғона вилоятида содир этилган босқинчилик жинояти ички ишлар ходимлари томонидан жуда қисқа вақт ичида фош этилди.

Наманган шаҳрилик бир гуруҳ йигитлар ўзаро жиноий тил бириктириб, Олтиариқ туманидаги хонадонлардан бирига бостириб кириш режасини тузадилар. Ушбу қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун қурол сифатида темир, тўмтоқ жисмлар, ниқоб ва скотч олишди.

2006 йил 27 мартга ўтар кечаси жиноий гуруҳ Олтиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Раҳматжон Мадалиевнинг уйига яқинлашди. Олдиндан режалаштирилганидек, хонадондаги итга дори аралаштирилган гўшт бериб, заҳарлашди.

Улардан бири кўчада қолди, ниқоб кийган икки нафари эса девордан ошиб, хонадонга киришди. Кираверишдаги хонада бўлган Р. Мадалиевнинг 92 ёшли онаси Майрамхон ая ҳамда қизи Шоҳисталарни калтаклашиб, катта миқдорда пул талаб қилишди. Бундан наф бўлмагач, уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, оғизларига скотч ёпиштириб, қўшни хонага киришди.

Жиноятчилар хонадон эгаси Р. Мадалиевга жисмоний азоб беришиб, ундан ҳам пул талаб қилишди. Лекин Р. Мадалиев тан жароҳати олган бўлса-да, босқинчиларга қаршилик кўрсатди. Жиноятчилар мақсадларига етолмадилар...

Раҳматжон Мадалиев юз берган воқеа тўғрисида Олтиариқ тумани ИИБга хабар берди. Ўз навбатида бу ҳақда вилоят ИИБ га маълум қилинди.

Зудлик билан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шокиржон Иноғомов раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Шу куннинг ўзида босқинчилик жиноятини содир этганлардан бири қўлга олинди. Энди тезкор гуруҳ аъзолари олдида унинг жиноий шерикларини аниқлаш ва қўлга олиш вазифаси турарди.

Босқинчилик жинояти содир этилган вақтда «Оловиддин» деб танилган йигит Намангандан Тошкент шаҳрига қочиб кетмоқчи бўлганида ушланди.



Олиб борилган тезкор тадбирлар давомида мазкур жиноятни 5 кишидан иборат жиноий гуруҳ содир этганлиги аниқланиб, гуруҳнинг икки нафар аъзоси пойтахтдан ушлаб келинди. Уларнинг яна бир шериги эса Олтиариқда қўлга олинди.

Тезкор гуруҳ аъзолари шу даражада тезкорлик билан ҳаракат қилдиларки, мазкур жиноятни очиш ва жиноятчиларни қўлга олиш учун бир кун кифоя қилди.

Ушбу оғир жиноятнинг қисқа муддат ичида фош этилиши аҳолининг ички ишлар идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади, десак муболаға бўлмайди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,**
*майор.*

**Андижон... Унинг йўлларида Бобур изи бор. Ҳар бир ниҳолда Чўлпону Нодирабегимнинг нафаси уфуриб тургандек. Фарғона водийсининг дурдонасига айланган бу жаннатмакон юртнинг ҳар бир қарич ери тиллога тенг. Танти, сахий, чапдаст мезбонларини айтмайсизми! Улар она заминни жаннатмаконга айлантириш учун тунни кунга улашмоқда. Далада кетмон чопишаяпти, корхоналарда тер тўкишаяпти. Пахтазорлар чаманга, хирмонлари мўл донга тўлгунча боридан кечса кечади, аммо Ватанидан кечмайди бу халқ.**

# ҚАЛБ УЙҒОҚ, ИЙМОН МУСТАҲКАМ



2005 йилнинг 13 майига ўтар кечаси Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари барчанинг кўнглини бирдек ўртади. Бир тўда ғаламисларнинг ёвузлиги қалбларни яралади, қабиҳликдан юрак жароҳатланди.

Ватан асли онамиз. У бизни дунёга келтирди, улғайтирди, нон-туз берди. Уни қандай бўлса, шундайлигича севамиз. Андижон-ку, жаннатнинг бир бўлаги! Аслида у чегараси йўқ ботқоқлигу, сарҳадсиз музликдан иборат бўлганида ҳам она Ватанлигича қолаверарди. Чунки, бунда бизнинг киндик қонимиз тўкилган. У бизнинг уйимиз. Уни топташларига, вайрон қилишларига йўл қўймаймиз.

Бироқ минг афсуслар бўлсинки, ўша мудҳиш тунда ғаламисларнинг қилмишидан лол қолдик. Ҳайриятки, ҳар ишда доно ва зукко юртдошларимиз ақл билан иш тутишди. Нобакорлар аҳолини ўзларига оғдиришдек мушкул ишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Разолатга қарши кураш йўлида халқ янада жипслашди, Ватанни асрамоқ учун жон беришга шай бўлди. Фақат... бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилгани қалбимизни ўкситди.



— Мен маҳкумман, аммо Ватанимни сотмайман, — дейди ИИВ жазони ижро этиш муассасаларидан бирида жазо муддатини ўтаётган Расулжон Акбаров. — Ўша тунда бир гуруҳ куролланган кишилар «Жиҳод!», «Жиҳод!» дея қамоқхонага бостириб киришди. Сўнг «Андижон бизнинг қўлимизга ўтди, сизлар озодсиз», дея уқтиришди. Биз ҳеч нарсага тушунмадик. Шунда улар қўлимизга қурол тутқазиб, ташқарига мажбурлаб олиб чиқишди. Бу ердаги манзарани эсласам, ҳали-ҳануз бутун баданимни титроқ босади. Кўз олдимдан отаонам, уч нафар фарзандимнинг сиймоси нари кетмасди. Йиғладим, бизни ўз ҳолимизга қўйинглар, деб ёлвордим. Улар бизни автомашинага мажбурлаб ўтқазиб, вилоят ҳокимлиги биноси ёнига олиб келишди. Ҳозирда билиб-билмай қилган жиноятим учун жазо муддатини ўтамоқдаман. Лекин Ватан мен учун қанчалик муқаддас эканлигини яхши биламан. Шу боис ҳам она юртимни топтаганларни, унга хиёнат қилганларни кечирмайман. Мен ўлимга юз тутдим, бироқ миллатдошларимга ўқ отганим йўқ...

Ҳа, Ватан шунчалар азиз, муқаддас. У худди онага ўхшайди. Қайси фарзанд ўз онасига қурол ўқталган? Аммо орамизда баъзи падаркушларнинг борлигини билмаган эканмиз.

— Аслида тинч яшаш учун билим ва малаканинг ўзи етарли эди, — дейди Тошкент вилоятининг Қибрай қишлоғида яшовчи 24 ёшли Дилшод Абдусаматов. — Нима жин урди-ю, «акромийлар» тузоғига илиниб, йўлдан адашдим. Ҳозир қилган ишимдан пушаймонман. Аммо кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар. Афсус, гулдай умрим хазон бўладиган бўлди.

Буни қаранг, халқ бошига тушган ташвиш, фожиадан қайғурса, у ёш умрининг зое кетишига ачинади. Гулдай умрингнинг камолини қўлингга қурол олиш ва миллатдошингнинг бағрини илма-тешик қилишдан аввал ўйлаганингда эди...

— Ўша куни уйда мен билан келиним бор эди, — дея эслайди Жалолқудуқ туманидаги Тешиктош қишлоғида истиқомат қилувчи уй бекаси Унсиной Жўраева. — Бир пайт 50-60 нафар эркаку хотин уйимизга бостириб киришди. Қўлларида қурол. Аввалига қўрқиб кетдим. Улар бизни ўз сафларига чорлашганидан кейин ҳаммасини тушундим. «Менинг уй-жойим бор, тирикчилигим бинойидек. Устим бут, болаларим бағримда. Тинчимни бузманглар», дедим. Улар бўлса тилла тақинчоқлар, пул таклиф қилишди. Қарасам, ҳаммасининг қўлида уяли телефон, оғзи тўла тилла тиш. Бир ёшгина аёл қўлида чақалоғи билан турибди. «Болангизга бир нима бўлиб қолса нима қиласиз?» дедим хавотир олиб. «Шаҳид кетди, деб кўмиб кетавераман», дея жавоб қилди аёл. Хуллас, бизни ўз сафларига қўша олишмади. Аммо уч нафар ярадор шерикларини ҳовлимда қолдириб кетишди. «Вой, мен буларни нима қиламан? Шерикларингизга қарамайсизларми?» деганча қолавердим. Уларнинг бири жон берди. Биз уни қишлоқ аҳли билан дафн этдик, ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатдик.

Ҳа, бу сизу бизнинг орамизда яшаган, бир ҳаводан нафас олган миллатдошларимиз ҳақидаги аянчли воқеа эди.

— Террорчилар театримизга ўт қўйишди, — сўҳбатга қўшилди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлудахон Бойматова. — Бино куйиб кулга айланди. Ҳеч нарса қолмади. Бироқ бу билан маънавият йўқ бўлиб кетмади-ку! Бино ёниб кетгани билан театр ишлаяпти. Ҳукумат бизга янги бино ажратди. Саҳна асарларимиз томошабинларга узлуксиз намойиш этиляпти.

Мавлуда опа ҳақ, маънавият ўлмайди. Уни бадном қилиш учун ўт ёқишмасин, ўққа тутишмасин, асло ниятларига етишолмайди. Шу билан бирга эътиқод ҳам ўлмайди. Бугун андижонликлар қалбида Ватанга муҳаббат, Андижонга садоқат туйғулари олдингидан юз чандон, минг чандон кучайса кучайдики, аммо сўнмади.

Мана, Андижонда содир этилган мудҳиш воқеага ҳам салкам бир йил бўляпти. Шаҳар кўчалари узра юрар эканман, куйиб кулга айланган театр биносида таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилаётганидан кўзим қувонди. Янги кўринишдаги ҳокимият биноси шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди. Одамлар эса ишга, ўқишга шошади. Сўлим гўшаларда сайр этишади. Чаманларни макон айлаган капалакларнинг учишида, қушларнинг чуғурлашида, тиниқ сувнинг шилдирашида, мусаффо осмонда кезиб юрган булутлар қатида бир манзарани кўраман. У — ҳаёт завқи! Ҳа, ҳаёт давом этяпти. Демак, ҳали қалблар уйғоқ, вужудимиз тирик. Демак, юрт яшнаяпти, халқ яшаяпти, юрагимизда умид, эртанги кунга ишонч куртак ёзяпти. Шуларнинг ўзи катта бахт эмасми? Ватанни кўз қорачиғидек асраш бурчимиз. Зеро, бу бизнинг бахтимиз. Уни бадном этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

***Одатда ходимлар «ички ишлар идорасида хизмат қилишни болалигимдан орзу қилардим», деган фикрни билдиришади. Наргизанинг бу соҳага кириб келиши эса бошқачароқ бўлди. Ўшанда у Андижон енгил саноат коллежида ўқирди. Ички ишлар бўлимига амалий машғулот ўташ учун борганида бу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини англади. Қизиқувчан, ҳаракатчан, тиришқоқ эмасми, бажариши лозим бўлган вазифани дарҳол ўзлаштириб олди. Шу боис, туман ички ишлар бўлимининг ўша пайтдаги бошлиғи, подполковник Ҳабибулло Муҳамедов фикрини очиқ айтди: — Мабодо ўқишни тамомлагач, ички ишлар идораларида хизмат қилишни истасангиз, эшигимиз сиз учун очиқ.***

# ОРЗУЛАР ИЖОБАТ БЎЛСА...

Шундай бўлди ҳам. Наргиза Умарова ўқишни тамомлаган заҳоти Булоқбоши тумани ички ишлар бўлимига ишга қабул қилишларини сўраб, ариза ёзди. Тез орада иш юритувчи вазифасида ишлай бошлади. Вақт ўтиши билан ҳужжатларни юритиш, ариза, шикоят, хатларни қайд этиш, уларнинг ижросини назорат этиш ишларини пухта ўрганди.

Наргиза буйруқ ва кўрсатмаларнинг техник жиҳатдан сифатли тайёрланиши, ўз вақтида ижрочиларга етказилиши ўзига боғлиқлигини яхши англади. Шу сабабли хизмат ёзишмаларини ўз вақтида ва тўғри юритишда ҳушёрликни доимо ошириб борди. Бунда устози Насима Шоймардонованинг ўгитларига амал қилди.

— Ягона орзуим ўз касбимнинг устасига айланиш, нафақага чиққунча шу хизматда фаолият кўрсатиш, — дейди Наргиза биз билан суҳбатда.

— Унда Андижон Давлат университетида ўқиш учун тайёргарлик кўраётганингизнинг сабаби нима? — сўраймиз биз.

— Сизнингча, иш юритувчилик билим талаб этмайдими? — дея саволимизга савол билан жавоб берди у.

Ҳа, ҳар бир соҳада билим зарур. Айниқса, ички ишлар идораси иш юритувчисидан катта масъулият, тажриба ва маҳорат талаб этилади. Бунинг учун эса муттасил ўқиб, ўрганиш лозим.

Наргизанинг укаси Ҳалимжон айни кунларда республика Ички ишлар вазирлиги Академиясида таҳсил олмоқда. Мақсади осойишталик посбони бўлиш. 6 ёшли ўғли Миржалол эса ҳозирдан «катта бўлсам ички ишлар ходими бўламан!», — дейди.



Мана, ўлкамизга яна баҳор келди. Бобо қуёш замин узра кулиб боқмоқда. Қир-адирлар бойчечакни чаккасига илиб олганча, жилғаларга юзин тутади. Биз табиат гўзаллигига шайдо бўлган бир пайтда сафдор Наргиза Умарова туман ички ишлар бўлимида қизғин фаолият билан банд эди. У қайси хонага кирса, баҳорий ифор таралади. Баҳор ҳам аёл қалбидан тафт олади, дегани шу бўлса керак.

**Ҳ. Саминжонов.**

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ИШГА СОЛИНМОҚДА

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ходимларимиз зиммасига янада катта масъулият юкланди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар ва ҳарбийларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Фаолият кўрсатаётган шифокор ҳамширалар соҳани пухта эгаллаган, чуқур билим ва тажрибага эга. Белгиланган тартибда жамоаларга бориб шахсий таркибни тиббий кўрикдан ўтказяпмиз. Уларнинг саломатликларини назорат қилиб, гигиена талабларига риоя қилиш, соғлом турмуш тарзи тўғрисида, шунингдек, ичкилик, тамаки чекишнинг зарари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мавжуд имкониятдан фойдаланиб 20 ўринли кундузги стационар ташкил қилдик. Терапевт, хирург, стоматолог, уролог, окулист, невропотолог каби мутахассислар даволаш ишларида энг замонавий усулларни қўлламоқдалар. Физиотерапия муолажалари учун зарур тиббий асбоб-ускуналар етарли. Шунингдек, балчиқ ва игна билан даволаш усуллари ҳам йўлга қўйилди.

Бугунги тезкор тараққиёт бошқа соҳалар каби шифокорлардан ҳам мунтазам изланиш, ўз устида ишлаш, янги даволаш усулларини мукаммал ўрганишни тақозо этаётир. Шифокорлардан Салимахон Абдураҳмонова, Ғуломжон Абдулаҳадов, Сайфиддин Ибрагимовлар, ҳамда Маҳфузахон Ғиёсова, Машҳурахон Рустамова каби ҳамширалар билим ва тажрибада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, шунинг учун профилактик ишларга катта эътибор берилмоқда. Ходим шикоят қилмаса-да, тиббий кўрик пайтида аниқланган бирламчи касалликлар диспансер назоратига олиниб, ўз вақтида даволаш чоралари кўриляпти.



Фахрийлар, ногиронлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари доимо эътиборимизда. Уларнинг ҳар бирига малакали ходим бириктириб қўйилган. Вақти-вақти билан хонадонларига ташриф буюриб, саломатликларини кўздан кечириб, керакли дори-дармонлар билан бепул таъминланяпти.

Вилоят ИИБ томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатишимиз учун шароитлар яратиб берилмоқда. 2005-2006 йилларнинг ўзида ички аъзолардаги касалликларни аниқловчи 5 миллион сўмликдан ортиқ бўлган тиббий анжомлар келтирилди. Ҳозир бош мия фаолиятини текширадиган РЭГ ва ўпкадаги касалликни аниқлайдиган флюорография жиҳозлари олишни режалаштириб қўйдик.

**Суратларда:** – *Поликлиника врач-терапевти Замира Нематова бемор, ИИБ фахрийси Камолиддин Ўсаровни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.*

**Баҳодир МАЪМУРОВ,**
*Вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, майор.*

ХИЗМАТЛАРДА

# ТАЖРИБА ОММАЛАШЯПТИ

Кейинги пайтда Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати шаклланиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида бошқарма раҳбариятининг эътибори туфайли соҳа ходимларининг билим савияси, касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш, мавжуд хизмат итларини махсус йўналишлар бўйича тайёрлаш, вилоят ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини «иссиғида» фош этиш ҳамда кинологлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, маъмурий бино тўла таъмирдан чиқарилди. «Портловчи моддаларни топиш», «Гиёҳвандлик моддаларини қидириб топиш» ва «Из қидирув» йўналишлари бўйича ўқув хоналари, маърифат, дам олиш, навбатчилик қисми хоналари зарур жиҳозлар, алоқа ҳамда компьютер воситалари билан таъминланди. Хизмат итлари учун машқ майдони, ветеринария ёрдами кўрсатиш хонаси, касалликка чалинган хизмат итларини даволаш ва сақлашга мўлжалланган вольерлар қурилди.

– Ҳозирги кунда бизда 218 бош хизмат ити мавжуд, – деди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, капитан Б. Норматов. - Жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш ва айбдорларни қидириб топишда тўрт оёқли кўмакчиларнинг беминнат ёрдами қўл келмоқда. Айни пайтда кинологларни ўқитиш, уларга бириктирилган хизмат итларини махсус йўналишлар бўйича тайёрлаш ҳамда эришилган ютуқ-тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Республика ички ишлар идоралари кинолог ходимларининг бу сафарги кўпкураш мусобақаси вилоятда ўтказилиши мўлжалланмоқда. Ҳозирда ушбу тадбирга катта тайёргарлик ишлари кўрилаяпти.





Ўтган йил мобайнида хизмат итлари кўмагида 310 та жиноят фош этилди. Шулардан 75 таси гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ бўлиб, қонунбузарлардан 2,3 кг.га яқин оғу олинди. Жорий йилнинг икки ойи давомида эса 55 та жиноят «иссиғида» очилишига эришилди. Масалан, Чортоқ тумани Мучум қишлоғида яшовчи Р. Қ. хонадонида гиёҳвандлик моддаси сақланаётганликда гумон қилиниб, текширув ўтказилди. Туман ИИБ кичик инспектор-кинологи, кичик сержант Дилмурод Абдуллаевнинг «Лора» лақабли хизмат ити молхонага яшириб қўйилган 50 граммдан ортиқ гиёҳвандлик моддасини топди.

Инспектор-кинологлар ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш билан бирга режа асосида ўқув машғулотларида қатнашишяпти. Ўтган йили инспектор-кинологларнинг кўпкураш мусобақасида сержантлар Илҳом Турғунов ва Отабек Назаров махсус йўналиш бўйича 2-ўринни қўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ходимлар орасида ўз касбининг билимдонлари, катта тажрибага эга бўлганлари кўплиги учун бу йилги беллашувлардан умидимиз катта. Бундан ташқари, бошқа вилоятлардаги ҳамкасблар билан тажриба алмашилади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай саъй-ҳаракатлар халқимиз тинчлигини сақлаш, осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдек олий мақсад йўлида кучларимизни янада жипслаштиради ҳамда кинология хизмати самарадорлигини янги поғонага кўтаради.

**М. Фурқат.**

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

***Ота-она борки, фарзанди одобли, билимли, келажакда элга камарбаста, мустақил инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Орзунинг ушалишида эса оилада тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши бош омил ҳисобланади.***

# ТАРБИЯДА ГАП КЎП

Зиёли оилада дунёга келган Анваржон ана шундай тарбиядан баҳраманд бўлди. У вояга етган Варзик қишлоғидаги Юсуповлар хонадонини Чуст туманида ҳамма фахр билан тилга олади. Узоқ йиллар ўқитувчилик касбини шарафлаб келган ота-она ўз фарзандлари тарбиясига ҳам жиддий эътибор бердилар. Натижада уч ўғил, етти қизнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлишди. Бугун уларнинг тўрт нафари ўқитувчи, уч нафари шифокор, бири банк ходими, икки нафари эса ички ишлар тизимида меҳнат қилишаётир. Бу айтишгагина осон. Аслида эса «сени вояга етказган ота-онангга раҳмат», деган олқишнинг замирида тинимсиз меҳнат, машаққат ётади.

Анваржон ёшлигидаёқ ота-онаси изидан боришга қатъий аҳд қилганди. Орзуси ушалиб, Самарқанд Давлат университетига ўқишга кирди. Университетни тамомлаб, Чуст шаҳридаги 2-ўрта мактабда кимё фанидан сабоқ бера бошлади.

Одатда инсонга баҳо беришда унинг ёши эмас, қилаётган ишининг самараси, қолдираётган изи эътиборга олинади. Ота-онанинг бой иш тажрибаларини ўзлаштирган Анваржон чуқур билими, ташаббускорлиги, тиришқоқ ва изланувчанлиги туфайли тезда ўқувчиларнинг ҳам, ҳамкасбларининг ҳам ҳурматини қозонди. Бу каби фазилатларга эга бўлган Анваржон туман ички ишлар бўлими раҳбарлари назарига тушди.

Олти йил давомида ака-ука, опа-сингилларидек бўлиб қолган жамоадан, қадрдон даргоҳдан кетиш унинг учун осон кечмади. Аммо янги соҳада эл-юртга кўпроқ нафи тегишини ўйлаб, 1995 йилдан ички ишлар тизимида хизмат қила бошлади. Бу орада Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагани боис, тизимдаги энг билимли кадрлардан бирига айланди.

Бугунги тезкор тараққиёт ҳамма соҳа ходимларидан замон талабига жавоб бера олишни, бунинг учун эса мунтазам ўқиб-ўрганишни, ташаббускорликни тақозо этмоқда. Анваржон Юсупов вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимида, «Шўркент» қишлоқ фуқаролар йиғинида профилактика инспектори бўлганида бунга алоҳида эътибор берди. Айниқса, туман ИИБ жиноят қидирув бўлимида ишлаганида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимини бошқарганида ёрқин из қолдирди. Ўтган йилдан эса туман ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимида Чустда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, оддий ҳуқуқбузарликдан тортиб йирик жиноятларнинг олдини олишдек, шарафли ишга муносиб улуш қўшиб келмоқда.

Ходим қаерга бормасин, ўша ердаги тажрибали ҳамкасбларидан иш ўрганади. Ҳозир пенсияда бўлган капитанлар Маъруфжон Шаропов, Файзулло Бозоров, Абдусаттор Маҳмудовлардан касб сирларини эгаллаган Анваржоннинг ўзи энди устоз. Шогирдлари – капитан Шароббой Ҳакимов, катта лейтенантлар Роҳатали Тўйчиев, Абдуғаффор Аҳмаджонов, Акмал Улуғназаровлар бугунги кунда энг тажрибали ходимлардан ҳисобланишади.

Турмуш ўртоғи Мунирахон Варзик қишлоғидаги 58-ўрта мактабда биология фанидан дарс беради. Икки қизи ҳозирданоқ оналари каби муаллима бўлишни орзу қилаётган бўлишса, ўғиллари Азизбек лицейда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича сабоқ олмоқда.

Фарзандлар йиғилишса хонадон тўйхонага айланиб кетади. Ана шунда қарилик гаштини сураётган Тожигул аянинг юзларида фарзандлар камолидан мамнунлик, шукроналик уфуриб туради. Фарзандлари аллақачон ота-она бўлишган эса-да, Тожигул ая учун ҳануз ёш ҳисобланишади. Уларга ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ҳар бир инсоннинг жамият олдидаги бурчи ҳақида насиҳат қилишдан чарчамайди. Мана шундай файзли кунлар энг олий неъмат – тинчлик туфайли бўлаётгани, унинг қадрига етиш кераклигини айтиб, дуога қўл очади.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
*майор.*






# ЧАҚМОҚ ХУДОНИНГ ҒАЗАБИМИ?

***Неча асрлар мобайнида бу табиат ҳодисаси одамларни даҳшатга солиб келган. Чақмоқни худонинг ғазабига ўхшатишган. Ундан қўрқишган, уни жиловлашга ҳаракат қилишган.***

Олимлар яшин қайтаргич кашф этишганида (уни синовдан ўтказиш чоғида бир неча физик ҳаётдан кўз юмганди) бу табиий офат устидан тўла ғалаба қозондик, деб қувонишган эди. Лекин янглишишган экан. Сўнгги юз йил давомида чақмоқдан қурбон бўлганлар сони муттасил ўсиб борди. Масалан, биргина Францияда йилига ўртача бир неча ўн кишини ва ўн мингга яқин сигирни яшин уриб ўлдиради.

Эҳтимол, яшин қайтаргич кашф этилмаганда чақмоқ уриб ўлганлар сони бундан ҳам кўп бўлармиди. Аммо бу қурилма бизни хавфдан бутунлай ҳимоя қила олмайди.

Электр ҳодисасининг табиати ўрганилганидан сўнг чақмоқни ҳам шу ҳодиса сирасига киритишди. Умуман олганда, бу тўғри. Ҳақиқатан ҳам яшин зарядланган булутдан ҳосил бўладиган қудратли разряддир. Ҳа, чақмоқ электр разрядлари тарқалиши бўйича аксар қонунларга бўйсунади. Аммо ҳар доим ҳам, ҳаммасига ҳам эмас. Ҳа, ҳақиқатан ҳам чақмоқ электр разрядидан иборат. Аммо биз электр ҳодисалари табиатини ҳали тўлиқ билмаймиз ёки яшин яна қандайдир қўшимча хусусиятларга эга. Тўғри, синоптиклар қачон момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақишини кўпинча олдиндан тўғри башорат қилишади. Лекин ҳар доим ҳам эмас.

Чақмоқнинг табиати ғалати. Ишонмасангиз, қуйидаги мисолларга диққат қилинг. Баъзан чақмоқ урган кишининг ич кийими куйиб кетиб, усткисига зиён етмайди. Ёки яшин айримларнинг сочини тап-тақир қилиб «олиб қўяди». Ёхуд кишининг қўлидаги металл буюмларни узоқ-узоқларга улоқтириб юборса-да, унинг ўзига зарар етказмаслигига нима дейсиз?!

Гоҳида чақмоқ ҳамёндаги чақаларни эритиб ёмби ҳолатига келтирар, тилла тангаларни кумушга ва аксинча кумуш тангаларни олтинга айлантирар, аммо қоғоз пуллар куймас экан. Бир гал чақмоққа дуч келган қизнинг бўйнидаги тилла занжири ғойиб бўлган. Лекин унинг бўйнида тақинчоқнинг изи қолган. Бу из бир неча йилгача кетмаган...

Яшин баъзан қўпол тарзда



ҳазиллашиб ҳам туради. Масалан, дарахт остида чақмоқ уриб ўлган кишининг танасида ўша дарахтнинг мўъжазгина акси қолади. Шунга ўхшаш яна бир воқеа. Дарахтни яшин уради. Унинг остида ўтирган одамлар гўё тош қотиб қолишган. Шу яқиндан ўтиб кетаётганлар уларни тирик деб ўйлаб туртиб кўришса, таналари тўкилиб тушган. Баъзан чақмоқ кишининг кийим-кечагини куйдириб ташласа ҳам, ўзига ҳеч вақо қилмайди.

Табиатда бир жойда тез-тез чақмоқ уриши ҳолатлари ҳам кузатилган. Бу иқлимий, геологик, аномал шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Угандананинг Тороро номли ҳудудида йилига ўртача 251 кун момақалдироқ бўлади. Кавказ эса геологик фаол ҳудуд ҳисобланади.

Аммо бир кишини қайта-қайта чақмоқ уришини қандай изоҳласа бўлади? Америкалик Рой К. Салливанни етти марта яшин урди. 1942 йилда оёғининг бошмалдоғи, 1969 йилда қоши, 1970 йилда елкаси, 1973 йилда яна оёғи, 1976 йилда тиззаси, 1977 йилда кўкрак билан қорни куйди. Охири қўрқиб қолган шўрлик ўз жонига қасд қилди.

Болгариялик Марта исмли аёлнинг эрлари бошига тушган кўргуликлар янаям қизиқ. 1935 йилда америкалик сайёҳ Рандольф Истман ёмғирдан пана бўлиш учун унинг уйига киради. Орадан бир ҳафта ўтиб, иккаласи оила қуришди. Аммо икки ойдан сўнг Рандольфни яшин уриб, ҳалок бўлди. Кейинроқ Марта яна турмушга чиқди. Бу сафар Шарль Морто исмли француз билан оила қурди. Улар Испания бўйлаб саёҳат қилиб юришганда аёлнинг бу эрини чақмоқ уриб ўлдирди. Аёл бундан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, тоби қочиб қолади. Софияга қайтган бевани немис шифокори даволай бошлади. Улар бир-бирларини севиб қолишиб, Берлинда никоҳдан ўтишди. Францияга боришаётганида бу эрини ҳам чақмоқ уради. Шундан сўнг Марта қайтиб турмуш қурмайди.

Ҳатто криминалистлар ҳам баъзи ҳолатларда лол қолишади. Энди қуйидаги мисолни эътиборингизга ҳавола этайлик. Бир гал чақмоқ чавандозни маҳв этган, бошқа сафар эса суворий омон қолиб, от нобуд бўлади. Японияда юз берган бахтсиз ҳодисанинг ҳалигача тагига етишолмаяпти. Ўқитувчи ўзи сайрга олиб чиққан ўқувчиларга арқон ушлатиб қўяди. Яшин турна қатор бўлиб кетаётган болаларнинг ярмини – энг қизиғи жуфт тартибдагиларини ҳаётдан олиб кетади. Бир гал далада ишлаётган бригада аъзолари ёмғирдан дарахт остига панага ўтишади. Чақмоқ ўн беш кишининг орасидан айнан бригадирнинг бошига етади.

Гоҳида чақмоқ одамларга ғалати таъсир қилади. Масалан, яшин урган айрим кишиларнинг вақт ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб кетади. Уларга вақт ўтиши гўёки секинлашгандек, баъзан эса бутунлай тўхтаб қолгандек туюлади. 1993 йил 6 июнь куни соат 13.30 ларда Волгоград вилоятилик Н. Григорийни чақмоқ уради. У ўзининг ўша пайтдаги аҳволини бир ҳафтадан сўнг шундай тасвирлайди: «Кучли зарбадан кейин назаримда мен учун ҳамма нарса тўхтаб қолгандек эди...» Тоғда шундай бахтсизликка дуч келган, фақат мўъжиза туфайлигина омон қолган альпинист эса ҳолатини қуйидагича баён этади: «Олов тафтидан қўлимнинг териси тутаб кетди. Билагимнинг гўшти, мушаклари аста-секин жизғанак бўлиб, сўнг қорайди, суякдан ажрала бошлади...»



Айрим одамларни яшин уриб ўлдирганида, уларнинг танасида ҳеч қандай из қолмайди. Қизиғи, уларнинг жасади узоқ вақт қотишмайди, айнимайди. Нега? Ҳозирча ҳеч ким бунинг сабабини тушунтириб бера олгани йўқ. Балки, улар учун вақтнинг тўхтаб қолгани шудир?!

Хўш, юқорида баён этилган воқеалардан сўнг чақмоқни қандай баҳолаш керак? Ҳақиқатан ҳам худонинг ғазаби деб аташ лозимми? Ёки у ҳали охиригача ўрганилмаган физик ҳодисами? Балки, ҳазилкаш, баъзида эса ўта шафқатсиз электр жонзотдир? Ёки ғайриоддий оламнинг қувват дарвозасимикан? Яна қандай номлаш, изоҳлаш мумкин уни? Ҳозирча бу ҳодиса табиатини тўла тушунтириб берадиган тайинли жавоб йўқ. Нима бўлганда ҳам худо ўзининг ғазабидан барчамизни ўзи асрасин.

***Гиёҳвандлик ва унинг мудҳиш оқибатлари тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали бонг урилмоқда, кўп мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда қатор халқаро анжуманлар ўтказилди, талайгина маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилди. Лекин афсуски, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган бу офат ҳануз ўз ишини қилиб келмоқда. Аср вабоси саналмиш гиёҳвандлик моддаларининг Ислом оламида, мўмин-мусулмонман деб юрган инсонлар томонидан истеъмол қилиниши, ундан моддий даромад орттириш мақсадида тижорат қилиниши ва кўплаб ёш авлод унинг қурбони бўлаётгани чидаб бўлмас ҳолдир.***

***Тошкент Ислом университети проректори, шайх Абдулазиз Мансур ўзининг «Ислом гиёҳвандликка қарши» деб номланган рисоласида гиёҳвандликнинг ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий ва жисмоний зарарларини Ислом дини нуқтаи назаридан исботлаб берган.***

***Қуйида ана шу рисола билан танишасиз.***

# ИСЛОМ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ



### НИМА УЧУН ИСЛОМ ДИНИ ГИЁҲВАНДЛИКНИ ҲАРОМ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ

Маълумки, барча ислом аҳлининг асосий диний таълимот манбаи бўлмиш Қуръони каримда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни бутун башариятга Ўзи тарафидан элчи қилиб юборишининг қатор сабабларидан бири сифатида тоза-пок нарсаларнинг ҳалол эканлигини ва напок нарсаларнинг ҳаромлигини уларга билдириш вазифаси деб кўрсатган (Аъроф сурасининг 157-оятига қарадсин). Ушбу ва бошқа ояти карималардаги илоҳий кўрсатмаларга асосланиб Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром» дедилар (Имом Муслим ривояти).

Яна бир ҳадиси шарифларида огоҳлантирдиларки: «Ҳар ким ўзини ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади» (Имом Термизий ривояти).

Савол туғилиши мумкинки, оят ва ҳадисларда гиёҳвандлик моддаларининг номи келтирилмаган-ку, деб. Тўғри, Пайғамбаримиз даврларида, ҳатто Аббосийлар халифалигининг дастлабки йилларигача ҳам гиёҳвандликнинг ўзи ҳам, номлари ҳам ислом оламида номаълум эди. Лекин пайғамбарлик мўъжизаларидан бири деб айтиш мумкинки, ўзларидан кейинги даврларда инсониятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирувчи нопок нарсаларнинг турлари ва номлари кўпайиб кетишини олдиндан билиб, ўз умматларини огоҳлантириб кетдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай маст қилувчи, бўшаштирувчи, заифлаштирувчи заҳри қотил моддаларнинг турлари ҳозирги кунда ҳам кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Расулимиз алайҳиссалом ҳаммасига умумий қилиб: «Ҳар қандай маст қилувчи ва баданни бўшаштирувчи нарсалар ҳаром» деб асосий қоидалардан бирини баён қилиб бердилар.



Имом Бухорийнинг ҳадис тўпламига шарҳ ёзган буюк алломалардан бири Имом Абу Бакр Қасталоний гиёҳвандлик моддалари турлари ва уларнинг ҳаромлигига бағишлаб алоҳида бир китоб ёзганлар ва номини «Нашани ҳаром қилиш билан турмушни икром этиш» деб атаганлар.

Асримиз уламоларидан ҳам жуда кўплари бу заҳри қотилнинг зарарларига оид китоб ва рисолалар ёзганлар. Ислом оламининг кўп диёрларида унинг зарарлари ва ҳаромлиги ҳақида махсус фатволар ва мақолалар эълон қилиниб келмоқда.

Ислом дини инсонга зарар келтирувчи нарсаларни, айниқса, энг улуғ неъмат саналмиш ақлни кетказувчи ёки уни заифлаштирувчи ҳар қандай нарсани ҳаром деб ҳисоблайди. Шунингдек, у инсон соғлиғининг кетишига ёки унинг ҳалокатига сабаб бўлувчи воситалардан чекланишга буюради.

Қуйида гиёҳвандликнинг ҳаром эканлигига далолат қилувчи оят ва ҳадислардан намуналар келтирамиз:

1. Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 195-ояти, «Нисо» сурасининг 29-оятида Аллоҳ таоло инсонларнинг ўзи жонига қасд қилмасликка, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади.

2. Имом Бухорий ва Имом Муслимдек буюк муҳаддисларнинг ҳадис тўпламларида келган ҳадиси шарифларнинг бирида: «Ҳар ким ўзини-ўзи бирор нарса билан ўлдирса қиёмат куни дўзахда ўша нарса билан азоб берилади» дейилган.

3. Имом Аҳмад ва Ибн Можжа ривоят қилган ҳадиси шарифда «Ислом динида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтиришлик йўқ» дейилади. Гиёҳвандликнинг зарарлари эса беҳисобдир.

4. Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар эса шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бирга у исрофгарчиликка киради. Исрофгарчилик эса Қуръон ва ҳадис билан ҳаром қилинган.

Аъроф сурасининг 31-оятида Аллоҳ таоло айтади: «Еб-ичинглар, лекин исроф қилманглар, зеро Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни хуш кўрмайди».

Ҳадиси шарифда айтилади: «Аллоҳ таоло сизларни молу давлатларингизни исроф ва зое қилишликдан манъ этади» (Имом Бухорий, Муслим ва Ибн Ҳайён ривоятлари).

Молу бойликни беҳуда ва бефойда сарф этиш шариатда ҳаром саналгандан кейин гиёҳвандлик моддаларидек кони зарар нарсаларга сарф этишлик нега ҳаром бўлмасин?!

5. Гиёҳвандлик моддалари ифлос ва исқирт нарса саналади. Қуръони каримнинг Аъроф сураси, 157-оятида бу хил сифатдаги нарсаларни истеъмоли ҳаром дейилган.

6. Гиёҳвандлик моддалари кўпгина бошқа зарарлари билан бир қаторда маст қилиш хусусиятига ҳам эгадир. Ҳазрат Ойиша (разий-аллоҳу анҳо) айтганларки: «Аллоҳ таоло ароқни ароқ деган номи учун ҳаром этган эмас. Балки уни истеъмол қилгандан кейин рўй берадиган кўнгилсиз воқеалар учун ҳаром қилган. Қайси бир нарсанинг охир-оқибати ароқ каби бўлса, у ҳаромдир» (Дорикутний, Куртубий тафсири, 37–48-бет).

Мабодо, гиёҳвандлик моддалари ароқ каби маст қилмайди, деб эътироз билдирувчилар топилса, уларга жавоб шуки, Умму Салама онамиз ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай маст қилувчи ва баданни бўшаштирувчи, заифлаштирувчи нарсаларни истеъмол қилишдан манъ этганлар» (Абу Довуд ривояти).

Гиёҳвандлик моддаларининг бўшаштирувчи, заифлаштирувчи эканлигида эса шубҳа бўлмаса керак.

### ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ТИББИЙ ЗАРАРЛАРИ

Илмий текшириш натижаларига қараганда, қорадори оғиз ёки бурун орқали инсон танасининг ичкарисига киргач, у аввало, ичакларга сўрилади ҳамда қориндаги қон айланиш йўли билан жигарга етиб боради. Жигар уни оксидлаб ҳарорат, сув ва карбонат ангидридга айлантиради ва умумий қон айланиш жараёнига қўшилиб кетишига ёрдам беради. Натижада жигарнинг ҳужайралари ундан таъсирланиб цирроз касаллигига йўлиқади. Аллоҳнинг изни билан жигар ҳужайралари яна қайта тикланади. Лекин қорадори қайта-қайта истеъмол қилиниши оқибатида «жигар циррози» кучая боради. Жигар кичрайиб қотиб қолгач, унинг фаолияти сусаяди. Унинг ҳужайралари атрофида жигар ҳазм қилолмаган ёғлик моддалар чўкиб қолади. Гиёҳвандлик моддаларининг оксидлари халақит бергани учун йиғилиб қолган заҳарли моддалар қон айланиши билан муҳим марказий асаб системасига қадар етиб боради. Асаб ҳужайралари ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолатга келгач, инсонда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-бемазани сезиш хусусиятлари йўқолади. Асаб ҳужайралари, маълумки, ҳаёт моддаси саналмиш протоплазмадан таркиб топган бўлади. Қорадори етиб бориб у билан мулоқот қилган пайтда, шу ҳаёт моддаси қаттиқ изтиробга тушади. Натижада, у ўз ҳаракатини тезлаштиради ёки ўта сусайтиради ёхуд тиришиш, тортишиш ҳолати пайдо бўлади. Охир-оқибатда, протоплазмага ўтказилган бундай салбий таъсирлар уни гиёҳвандлик моддаси истеъмолисиз яшай олмайдиган ҳолатга келтириб қўяди. Бундай ҳолатда ҳар қандай кашанда асабларини бироз, вақтинча бўлса ҳам тинчлантириш мақсадида оғу истеъмол қилишга мажбур бўлиб қолади.

Гиёҳвандлик моддасини доимий истеъмол қилишга дучор бўлган кашандалар, жумладан, шундай салбий ҳолатларга гирифтор бўладилар: ухлай олмаслик, сустлик, аъзойи баданнинг оғриши, иштаҳасизлик, ғамгинлик, кўзининг ёшланиши, титроқ, серпешоблик, увишиш, томирларнинг бўртиб чиқиши, юрак ўйнаши, кўнгил айниши, қайт қилиш ва бошқа ҳолатлар. Яна энг даҳшатлиси, гиёҳвандлик моддалари баъзи беморларда СПИД касаллигини келтириб чиқариши ҳам мумкин экан.

***(Давоми бор).***

# POSTDA·TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**«Россия», душанба**
**0.55 «ГОНКОНГЛИК ГРАФИНЯ» («ГРАФИНЯ ИЗ ГОНКОНГА»)**



Жаҳон урушларидан сўнг Гонконг муҳожирларга тўлиб кетади. Россиядан келиб қолган ёшгина графиня Наташа Александрова раққосалик орқасидан кун кўришга мажбур бўлади. Ва ниҳоят унга тақдир кулиб боққандай бўлади. Нефть магнатининг ўғли, америкалик дипломат Огден Меарс қизни ёқтириб қолади....

**Ролларда: Марлон Брандо, Софи Лорен.**

**ДТВ, сешанба**
**23.05 «ҚИЁФАСИЗ» («БЕЗЛИКИЙ»)**




Фаластинлик террорчи Умар Комилга қарши уюштирилган суиқасд муваффақиятсиз тугайди. Шундан сўнг мазкур операцияда қатнашган махсус бўлинма жангчиларини бирин-кетин номаълум қотил ўлдира бошлайди. Тирик қолганлар Комилдан шубҳаланишади. Аммо энди уни таниб олиш қийин – қиёфасини ўзгартирган.

**Ролларда: Кристофер Ламберт, Керри Фокс.**

**ТНТ, чоршанба**
**21.00 «ҚИРОЛ РАЛЬФ» («КОРОЛЬ РАЛЬФ»)**




Англия қироли мукаммал даражада тарбия топган бўлиши, сули бўтқасини, инглиз қизларини ва крикетларни яхши кўриши лозим. Аммо тахтнинг ягона қонуний вориси бўлган Рольф қовоқхонада мусиқачи (машшоқ) бўлиб ишлайди. Унинг жону дили–гамбургер. Дастурхон атрофида ҳиқичоқ тутадиган одати бор. Енгилтак қизлар билан ўпишишни ёқтиради. Ахир, шундай кимсага Англия тахтини ишониб бўладими?...

**Ролларда: Жон Гудмэн, Питер О'Тул.**

**«Первый», пайшанба**
**23.50 «ОКЕАННИНГ ЭНГ ТУБИДА» («НА САМОМ ДНЕ ОКЕАНА»)**



Ёш, гўзал Бет Каппадора эри Пэт ва уч фарзанди ҳамроҳлигида бир пайтлар коллежни бирга битирган ўртоқлари билан учрашувга боради. Меҳмонхонага келгач, ғала-ғовур пайти бир неча дақиқага болаларидан узоқлашади. Қайтиб келса, уч яшар ўғли йўқ. Қанча излашмасин, уни топишолмайди. Орадан қанча вақт ўтмасин, Бет айриликқа кўниколмайди...

**Ролларда: Мишель Пфайффер, Трит Уильямс.**

**НТВ, жума**
**22.55 «ҚОРА ЁМҒИР» («ЧЕРНЫЙ ДОЖДЬ»)**




Изқуварлар Ник Конклин ва Чарли Винсентга Америкадан Осакага хавфли жиноятчи Сато Коджини олиб келиш вазифаси топширилади. Якудза Сатони озод қилишга муваффақ бўлади. Ник ва Чарли ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам жиноятчини топишга қарор қилишади. Бу охир-оқибат фожиа билан тугайди.

**Ролларда: Майкл Дуглас, Энди Гарсиа.**

**СТС, жума**
**22.00 «АСТЕРИКС ВА ОБЕЛИКС ЦЕЗАРГА ҚАРШИ» («АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС ПРОТИВ ЦЕЗАРЯ»)**



Эрамиздан аввалги 50 йилда Рим императори Юлий Цезарь Галлияни забт этади. Фақат кичик бир қишлоқ аҳли римликларга солиқ тўлашдан бош тортишади. Чунки уларнинг мўъжизакор ичимлиги бор. Бу ичимлик ёрдамида Астерикс ва Обеликс тенгсиз паҳлавонга айланишади, икковлари бемалол бутун Рим империясига бас кела олишади...

**Ролларда: Жерар Депардье, Летиция Каста.**

**ДТВ, шанба**
**2.05 «ЯРИМ ТУНГИ ОДАМ» («ЧЕЛОВЕК ПОЛУНОЧИ»)**



Лос-Анжелес полицияси офицери Жон Канг камбоджалик жиноятчилар гуруҳини кузатиш операциясида қатнашади. У жиноятчилар ўз ичларидаги полиция агентини фош этишганидан хабар топади. Энди фақат Канггина пухта тайёрланган операцияни муваффақиятсизликдан сақлаб қолиши мумкин...

**Ролларда: Лоренцо Ламас, Жеймс Шигета.**

**НТВ, якшанба**
**0.55 «КАЙФ»**



Наркобизнесга қарши курашувчи махфий полициянинг ёш агентлари сержантлар Жим ва Кристен хизмат юзасидан гиёҳфурушлар орасига кириб олишади. Аммо энди жиноятчиларнинг ишончини қозонишлари учун ўзлари ҳам заҳри қотилдан истеъмол қилишлари лозим. Бундай қалтис вазиятда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб туришади.

**Ролларда: Жейсон Патрик, Женнифер Жейсон Ли.**

# ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

***Жума куни Эроннинг Доруд ва Боруджерд шаҳарларида кучли зилзила қайд этилди. Ер ости силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6,0 баллни ташкил этди. Дастлабки маълумотларга қараганда, қурбонлар сони 70 кишига етган.***





Мамлакат телевидениесининг хабарларига кўра, 970 киши тан жароҳати олган. Жабрланганлар сони ошиши кутиляпти. Касалхоналарда жой етишмаётганлиги сабабли оғир жароҳатланганлар вертолётларда қўшни провинциялардаги даволаш муассасаларига етказилаяпти.

Эрон Ислом Республикаси Президенти табиий офат туфайли қурбон бўлганларнинг яқинлари ва қариндошларига ҳамдардлик билдирди. У шунингдек, жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш тўғрисида кўрсатма берди. Қатор мамлакатлар зилзиладан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини изҳор этишди.

Илгари ушбу мамлакатда энг кучли ер силкиниши 2003 йил декабрида қайд этилган эди. Ўшанда қадимий Бам шаҳри бутунлай вайрон бўлиб, 40 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмганди. Турли даражада жароҳат олганлар сони 30 мингдан ошганди.

# ЯНА БИР ХУНРЕЗЛИК

***Ироқда деярли ҳар куни қўпорувчилик содир этилади, ўнлаб одамлар қурбон бўлади. Яқинда Мосул шаҳридаги АҚШ ҳарбий базасида бомба портлади. Натижада 40 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.***



Хабарларга кўра, база ҳудудида ҳам америкалик, ҳам ироқлик ҳарбийлар бўлган. Аммо ҳалок бўлганларнинг аксарияти маҳаллий аскарлар эди. Дастлабки тахминларга қараганда, портловчи қурилмани террорчи-камикадзе ҳаракатга келтирган. Илгарироқ Бағдоддаги мачитлардан бирида ўтказилган махсус операция чоғида ўндан ошиқ киши қурбон бўлди. Операцияни АҚШ ҳарбийлари ироқлик ҳамкасблари билан бирга ўтказган бўлиши мумкин.

# БАҲРАЙН ҚИРҒОҒИДАГИ ФАЛОКАТ

***Форс қўлтиғида сайёҳларни кечки денгиз сайрига олиб чиққан кема бортида 150 киши бор эди. Кема пайшанба куни маҳаллий вақт билан соат 21.45 ларда ҳалокатга учради. Оқибатда камида 57 киши ҳалок бўлган. Фожиа Баҳрайн қирғоқлари яқинида юз берган. Фақат 60 дан зиёд кишинигина қутқариб қолишган.***

Баҳрайннинг қирғоқ мудофааси кемалари фалокат юз берган жойга етиб келди. Қутқарув операциясида АҚШнинг бешинчи флотига қарашли енгил катерлар ҳам иштирок этишди.

Баҳрайн қирғоқ мудофааси хизмати бошлиғи Юсеф Гатимнинг Франс пресс мухбирига маълум қилишича, 53 одам ҳалок бўлган, денгиз сайрига таклиф этилган 150 кишидан 14-20 нафари кема жўнаши олдидан қирғоқда қолган бўлиши мумкин.

Аммо гувоҳлар ва журналистлар кема портдан чиқиши олдидан одамга тўла бўлганлигини тасдиқлашади. Норасмий маълумотларга қараганда, унинг бортида баҳрайнликлардан ташқари британиялик, филиппинлик, жанубий африкалик ва мисрлик фуқаролар ҳам бўлган.

Ҳозиргача бўлган маълумотларга кўра, 57 киши чўкиб кетган, 67 одам қутқариб олинган, 13 киши бедарак йўқолган.



# ЭКОЛОГЛАР ХАВОТИРДА

Гавай оролларини жаннатга қиёс қилишади. Ана шу жаннатмакон жойга экологик фалокат хавф солмоқда. Каналлардан бирига канализация тизими носозлиги туфайли тозаланмаган оқава сувлар оқиб тушди. Бу оқава сувлар Тинч океанига ҳам етиб бориши мумкин. Экологлар хавотирда. Чунки бундан қирғоқ яқинидаги маржон рифлари, қолаверса, бошқа денгиз жониворларига катта зиён етиши мумкин.

Яқинда Россиянинг Красноярск ўлкасида ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Яъни 10 тоннага яқин мазут Енисей дарёсига қуйилди. Ҳозирча ҳодисанинг айбдори топилгани йўқ. Аммо мутахассисларнинг айтишича, бунинг оқибатида дарёнинг табиий муҳитига жиддий зарар етиши аниқ.

# ИШ ТАШЛАШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

***Францияда мамлакатнинг ёшлар ва касаба уюшмалари ташкилотларининг ташаббуслари билан уюштирилган иш ташлашлар давом этаяпти. Бу тадбир март ойи бошларида қабул қилинган ёш ходимларни ишдан бўшатишни соддалаштирувчи қонунга қарши қаратилгандир.***

Энди касаба уюшмаларининг чақириғига кўра иш ташлашга транспорт ходимлари ҳам қўшилишди. Натижада поездлар ва электричкалар қатнови анча камайди. Авиақатновларнинг ҳам қисқариши кутилмоқда.

Франциянинг ўнлаб шаҳарларида маҳаллий транспорт ходимлари ҳам норозилик намойишлари ўтказишяпти. Натижада автобус, метро поездлари қатнови камайди. Париждаги машҳур Эйфель минорасига хизмат кўрсатувчилар ҳам норозилик ҳаракатларига қўшилишди.




Иш ташлашларда тез орада почта хизмати, оммавий ахборот воситалари, энергетика тармоғи ходимлари, ўқитувчилар ва ҳатто металлурглар ҳам иштирок этиши эҳтимоли бор. Сўнгги сўровларга қараганда, аҳолининг деярли учдан икки қисми янги қонунга қарши. Энди Франция ёшлари нафақат мазкур қонунни бекор қилишни, балки ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб этишяпти.

# ҚУЁШ ТУТИЛДИ

***Қуёш тутилишига қадимдан одамлар турлича муносабатда бўлишган. Баъзилар бу табиат ҳодисасини байрамдек қаршилашган. Айримлар ундан хавотирга тушишган.***

***Масалан, чеченлар кун тутилганида осмонга ўқ узишган. Яқинда ҳам ушбу ҳодиса кузатилганида Грозний кўчаларига милтиқ кўтарган эркаклар чиқиб, ўқ отиб хуморидан чиқишди.***

Туркия аҳолиси эса куннинг тўла тутилгани турли табиий офатлар содир бўлишидан дарак беради, дея хавотир олишмоқда. Маҳаллий ҳокимият вакиллари бу ҳодиса билан табиий офатлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, дея фуқароларни тинчлантиришга ҳаракат қилишди. Аммо бунга муваффақ бўлишолмади. Маҳаллий университетлардан бирининг олими Мустафо Йилдирим Қуёш тутилишидан кейин кетма-кет зилзила юз беришини башорат қилгач, ваҳима баттар кучайиб кетди. Ҳатто Никсар шаҳрилик содда, ишонувчан одамлар уйларидан кўчага қочиб чиқиб, чодир тикиб олишди. Сабаби XX асрда ушбу шаҳар икки марта ер ости силкинишлари туфайли вайрон бўлганди. Бундан ташқари, 20 минг кишининг ёстиғини қуритган Туркия тарихидаги энг даҳшатли зилзила 1999 йилда айнан Қуёш тутилишидан сўнг юз берган эди.



Ҳуллас, ҳокимият вакиллари ҳам, одамларни тинчлантириш учун атайлаб Никсар шаҳрига келган мутахассис олимлар ҳам аҳолини ваҳимага ўрин йўқлигига ишонтира олишмади. Одамлар то кун тутилиши ниҳоясига етгунича уйларига киришмади.

***Рустам ҲАМРОҚУЛОВ 1953 йил 10 августда Наманган вилояти Поп туманидаги Санг қишлоғида туғилган. 1970 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат театр ва рассомчилик санъати институтининг «Драма театри ва кино актёрлиги» факультетига ўқишга кирган. 1976 йилда А. Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида актёрлик фаолиятини бошлаган.***



# НОЁБ БЎЛИШНИ ЯХШИ КЎРАРДИ

— Бу воқеага уч ойлар бўлиб қолди. Йўловчи машинада водийдан пойтахтга қайтаётгандим. Нотанишлигимиз учунми, ҳеч ким бир-бирига сўз қотмас, ҳамма ўз хаёли билан банд эди. Чуст билан Тўрақўрғон оралиғидаги Резаксой яқинига етганимизда орқа ўриндиқдаги киши сукунатни бузди.

— Ука, шерикларга малол келмаса, шу жойда бирпас тўхтанг. Раҳматли Рустам қизиқнинг руҳига бир тиловат қилиб кетайлик, — деди у ҳайдовчига.

Камтарингина ёдгорлик ёнида тўхтаб, машинадан тушдик. Дуои фотиҳадан сўнг йўлда давом этарканмиз, ўртадаги бегоналик ўз-ўзидан йўқолиб, қизғин суҳбат бошланиб кетди. Рустам қизиқ Ҳамроқуловни хотирлаб, латифа - хангомаларини эслаб, мириқиб кулдик. Орқа ўриндиқдаги киши — Абдулла аканинг мана бу гаплари, айниқса, хотирамга муҳрланиб қолди:

— Рустамжон ҳаёт бўлганида-чи, қизиқчилигимиз бундаям гуркираб кетган бўларди. Шундай зўр қизиқчи актёрни ўғлим танимас экан, роса дакки бердим. Ўйлаб қарасам, ундаям айб йўқ. Рустамжон вафот қилганида ўғлим ҳали туғилмаганди. Газета - журналларни қараб бораман, бериб қолишса, болаларимга олиб бораман. Рустамжоннинг ким бўлганини билишмаса, уят бўлар...

Очиғи, Рустам қизиқ Ҳамроқуловнинг умр йўлдоши — Мавлуда опа билан суҳбатлашиш фикри ўшанда уйғонганди. Мана, ниятимиз амалга ошди.

***— Мавлуда опа, суҳбатимиз асносида ярангизни янгилаб қўймасмиканман, деган андишадаман...***

— Айрилиқ — оғир дард, айниқса, қадрдон кишингдан бевақт айрилиш жуда ёмон. Рустам акадан айрилганимизга ҳам 17 йил бўлибди. Вафотларидан кейин уйқусизлик дардига чалиниб, кўп йиллар мобайнида тунларни бедор ўтказдим. Сиз каби йўқловчилар келишса, озгина бўлса енгил тортаман. У киши жуда қисқа умр кечирган бўлсаям, руҳан биз билан бирга, деб ўз-ўзимга таскин бераман.

***— Рустам ака билан тенгдош бўлган экансизлар. Уларни болаликдан таниганмидингиз?***

— Бир-биримизга қўшни бўлган қишлоқдан эдик. Рустамжон раҳматлининг болалиги Санг қишлоғида кечган. Ўз таъбирлари билан айтганда, «Сирдарё бўйларида қўй боқиб, қовун ўғирлаб» катта бўлганлар. Қайнонамнинг айтишларича, ерга урса кўкка сапчийдиган шум бола эканлар. Уларни 12-13 ёшларимда танигандим. Мактабимиздаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашардим. Мактаблараро ўтказиладиган турли тадбирларда иккаламиз ҳам фаол иштирок этардик, у ролларни маромига етказиб ўйнар, қизиқчилик қилиб, ҳаммани кулдирарди. Ҳатто, ширали овозда қўшиқ ҳам айтарди.

***— Эшитишимча, бир-бирингизга кўнгил бериб, оила қурган экансизлар. Тақдир сизларни қай йўсинда учраштирди?***

— Шароит тақозосига кўра, мактабни тугатганимизнинг учинчи йили Тошкент Давлат театр ва рассомчилик санъати институтига ҳужжат топшираётгандим. Бир пайт Рустам акангиз «Абитуриентлар орасида наманганликлар ҳам борми?», — деб келиб қолдилар. Эгниларида қурувчилар кийими. Мактабни тамомлаши биланоқ ўқишга кирганлари учун учинчи босқичда ўқиб, ётоқхона қурилишида ҳамма талабалар қатори ишлаётган экан. Ўша пайтда менга жуда кўп ёрдами тегди. Ҳарбий хизматга кеттунларича бирга бўлиб, 1976 йилда оила қурдик.

***— Одатда, аксарият санъаткорлар пойтахтда ижод қилишни афзал билишади. Рустам ака ҳам пойтахтга интилганми?***

— Сатира ва юмор театри ташкил қилинганида Рустам акани ишга таклиф этишганди. Пойтахт марказидан тўрт хонали уй берамиз, дейишганида ҳам раҳматли рози бўлмадилар. «Ҳамма Тошкентга кетаверса, вилоятда ким ишлайди?» дегандилар, ўшанда. Ҳақиқатан ҳам чинакам истеъдод жой танламайди. Масалан, Камолиддин Раҳимов, Ҳабиба Охунова каби фидойи санъаткорлар ҳам Наманганда ижод қилишган. Уларнинг мавқеи пойтахтдагиларникидан сира кам эмас-ку.

***— А. Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрини Р. Ҳамроқуловнинг иккинчи уйи, дейишади...***

— Бу гап рост, биз икки йил театрда яшаганмиз. Поп билан Наманган орасидаги масофа 70 чақирим келади. Қатнаб ишлаш қийинлигидан бизга театрнинг учинчи қаватидаги кийиниш хонасини ажратиб беришганди. Кичкинагина хонамизга битта каравоту стол зўрға сиғарди. Столнинг бир четидаги электр плитада овқат пишириб, чой қайнатардик. Ўғлимиз Искандар театрда туғилган.

***— Рустам Ҳамроқулов ижро этган роллар фарзандларингиз хотирасида сақланиб қолганми?***

— Театрдаги ҳар бир томошага учала фарзандимни ҳам олиб борардим. Бир гал жуда қизиқ бўлди. «Хиёнат» (А. Жаббор асари) спектаклида Рустамжон безори йигит — Баҳром ролини ўйнаётганди. Кампир ҳамёнини ўмараётган Баҳромни роса савалайдиган кўриниш бор эди. Дадасининг калтакланишига чидолмаган 4-5 ёшли Самандар бор овозда «Ҳой, кампир, дадамни урма, урма деяпман!», — деб бақириб юборса бўладими... Залда гурилдаб кулги кўтарилди. Ерга юзтубан йиқилган «ўғри» ҳам қўллари билан юзларини тўсганча роса кулганди. Шунга ўхшаш воқеаларни болаларим ҳам эсда сақлаб қолишган.

***— Фарзандларингиз санъаткор бўлишини Рустам ака орзу қилармидилар?***

— У киши кўпинча гастрол сафарлари, тўй-ҳашамлар билан кечлаб уйга келмасдилар. Баъзан қаттиқ чарчаганларида:

— Онаси, ишқилиб болаларинг ҳечам санъаткор бўлишмасин-да. Ит тинса тинади, қуш тинса тинади, санъаткор тинмайди, - дердилар. Лекин фарзандларимиз айнан шу машаққатли касбни танлашди. Қарши чиқсам, «Опа, ота касбини қилган хор бўлмайди, дейишади-ку. Дадамизнинг ишларини давом эттирсак, нимаси ёмон», дея жавоб беришди. Мана, тўнғичимиз Искандар Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган «Қалпоқ» кўрсатуви ижодкорларидан бири. Самандар актёрлик маҳоратини янада ошириш учун АҚШнинг Калифорния штатида таълим олаяпти. Қизимиз Севара ҳам ота касбини эгаллади, яқинда турмушга узатдик.



***— Ёлғиз аёлга қанчалик қийинлигини ҳамма яхши билади. Уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш осон бўлмагандир-а?***

— Маълумки, санъаткорни халқ боқади. Рустам ака эл хизматида юриб, пешона тери билан топганлари яхши-ёмон кунларимизда кор келди. Қолаверса, иккинчи мутахассислигим — ўқитувчилик қилиб ҳам кам бўлмадим. Пенсияга чиққунимга қадар тиним билмай ишладим, ўқувчиларга она тили ва адабиётдан репетиторлик қилдим. Болаларимга актёрлик маҳорати, ҳам она тили ва адабиётидан ўзим сабоқ бердим. Учови ҳам энг юқори баллар билан ўқишга киришди. Уларни ўқитиш албатта осон бўлмади. Лекин мен ҳечам нолимадим.

***— Рустам қизиқ Ҳамроқулов негадир телевидениеда камнамороқ эди...***

— Радио, телевидениега тез-тез таклиф қилишарди. Лекин у киши арзимас баҳона билан бормай қўя қоларди. Сабабини сўрасам, шундай дерди:

— Камёб товар нималигини биласан-а, хотин. Уни одамлар қидириб юришади, керак бўлса ерининг тагидан ҳам топиб олишади. Ҳадеб радио-телевизорга чиқаверсанг, намунча ўзини бозорга солмаса, дейишади. Ундан кўра мен камёб товар бўлай, одамлар мени қидириб юришсин, — ҳазилга оларди. У кишининг телевидениеда иккитагина чиқишлари сақланиб қолган. Бу Эргаш ака Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан бўлди. Эргаш ака то ҳозиргача болаларимдан беминнат ёрдамларини, йўл-йўриқларини аямай келмоқда. У кишини Аллоҳ менга қанча умр берган бўлса, шунча дуо қиламан.

***— Рустам ака кимларни устоз сифатида қадрлардилар?***

— Кулгу дарғаси — Муҳиддин қизиқ Дарвишевни устозим, дердилар. С. Аҳмад асарларини мароқ билан ўқир, «С. Аҳмадни ўқисам, илҳомим келади. Ўзлари билан ҳам бир учрашмоқчиман», дердилар. Ўша орзулари амалга ошмай қолди.

***— Ижро этадиган латифа ва хангомаларини қаердан олардилар?***

— У ҳар бир латифа ва ҳангомаларини одамларнинг ўзидан олиб, сайқаллаб, яна халққа қайтариб берарди. Бошқалардан олингани худди бировнинг кийимидай ёпишмай туради, деб ҳисобларди. Келинг, сизга бир ҳажвий ҳангоманинг ёзилиш тарихини айтиб берай. Рустам қизиқ Наманганадаги шоҳбекат ёнидан ўтиб кетаётса, шаҳар атрофига қатнайдиган ҳайдовчиларнинг кўпчилиги қора мойга беланиб, автобусларини тузатаётганмиш. Бекат назоратчисининг «Ҳой, Олабуқа тузалдими? Ғирвон, қачон жўнайсан?» (Ғирвон, Олабуқа - қишлоқлар номи) қабилидаги бақир-чақирлари қулоққа чалинармиш. Бу манзарадан Рустам қизиқ ҳам кулиб, ҳам куйиб, шоҳбекатдаги бир ўриндиққа ўтирибди-да, қоғозга туширибди.

Суҳбатимиз шу ерга етганда эшик қўнғироғи чалинди. Мавлуда опа «Ўғлим Искандар келиб қолди, чоғи», дея ўрнидан қўзғалди. Самимий жилмайганча кириб келган Искандарни ҳам суҳбатга тортдик.

***— Искандар, дадангиз билан кечган дамларни қандай хотирлайсиз?***

— Дадам жуда қаттиққўл ва талабчан эдилар. Лекин бўш вақт топишлари билан бизга ҳар хил ўйинлар ўргатар, ҳатто ўзлари ҳам бирга ўйнардилар. Тўғри, тоғларга, боғ-роғларга бориб, саёҳат қилмасдик. Бунга дадамнинг вақтлари йўқ эди. Аммо қиш кечаларида камқатнов кўчаларда қорбўрон ўйнаб, қорбобо ясардик. Ёмғир ёғса ивиб, шалаббо бўлиб кетсак ҳам кўча айланардик. Дадам жуда кўп китоб ўқир, кечалари уйғониб қолиб, хоналарига қарасам, нималарнидир ёзаётган бўлардилар. Катта ўғил бўлганим учунми, менга кўпроқ дакки берар, кўпроқ насиҳат ҳам қилардилар.

***— Отангизнинг қадрдонлари билан ҳам дийдорлашиб турасизми?***

— Дадамнинг вафотларидан кейин шогирдлари - Соибназар Шарипов бизни 16 йилгача йўқлаб турди. Бир йил бурун бу истеъдодли инсондан ажралиб қолдик. Таниқли ҳофиз — Боқижон ака Сатторовни ҳам устозим, ҳам маънавий отам, десам адашмайман. Дадамларнинг курсдош дўстлари — Исмоил ака Абдуллаев, Зокир ака Қаюмовлардан ҳам бир умр миннатдорман.

***— Сиз ҳам ота касбини танлагансиз. Айтинг-чи, ижодий фаолиятингизда Рустам қизиқнинг репертуаридан ҳам фойдаланиб турасизми?***

— Мақтанчоқликка йўйманг-у, дадамнинг дастурларидаги нафис пардага ўралган кулгили ҳикоялар, қочиримли ҳажвиялар, латифалар бугунги кун томошабинини ҳам кулдира олади. «Қалпоқ» кўрсатувини тайёрлашда биз улардан кенг фойдаланяпмиз.

Таъкидлаб ўтмоқчиманки, дадамнинг ҳар бир насиҳатларини эсда сақлайман, уларга амал қиламан. Шу ўринда Рустам қизиқ Ҳамроқуловнинг тўй-ҳашамлардаги чиқишларини халқимиздан йиғиб, бизга эсдалик сифатида тақдим этган Норқўзи акага оиламиз номидан ташаккур айтаман. Дадамларни хотирлаб, руҳларини шод этаётганларнинг барчасига минг бора таъзимдамиз. Ҳар бир хонадонда кулгу ва ҳазил-мутойиба мудом жаранглаб турсин, деймиз...

***— Самимий суҳбат учун раҳмат.***

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА**
**суҳбатлашди.**

***Р. Ҳамроқулов талқинидаги роллар: «Коса мере» (И. Друцен асари) — Повлакс, «Машраб» (А. Турсун асари) — Маматохун, «Темир хотин» (Ш. Бошбеков асари) - Қўчқор, «Афанди ва Азроил» (Ш. Алиев) — Афанди ва бошқалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 1989 йилда автомобил ҳалокати туфайли оламдан ўтган.***





**Qadrli bolalar!**

**Men bugungi sahifamizni bolaligimda bo‘lib o‘tgan bir voqea bilan boshlamoqchiman. O‘sha voqeadan so‘ng tipratikan bilan yaqin do‘st bo‘lib qolganmiz. Marhamat, kichik hikoyam bilan tanishing.**

# TOPQIR TIPRATIKAN



Hamma tipratikanlar nomiga mos tikanli bo‘lishadi. Ularning tikanlari shunchalik ko‘pki, tegishga ham hayiqib turasiz.

Bir kuni oyijonim meni chiroyli to‘nka ustiga o‘tqazib, shirin ovqat bilan siylayotgandilar. Ovqatni maza qilib yeb olgach:

— Rahmat, oyijon, ovqatingiz juda shirin ekan, — dedim.

Oyijonim mehr bilan boshimni silab qo‘ydilar.

Shu payt yig‘i ovozi eshitildi. Qarasak, qarshimizda jajji tipratikan ko‘zlarini ishqalab yig‘layapti.



Oyim undan:

— Kim seni xafa qildi? — deb so‘radilar.

— Hech kim...

— Unda nega yig‘layapsan?

— Chunki... chunki siz quyonvoyni siladingiz-da...

— Nima, sening boshingni hech kim silamaganmi?

— Yo‘q. Hech kim meni silab erkalamaydi.

— Bilasanmi, men seni silashni xohlayman, lekin tikanlaring qo‘limga kiradi-da.

— Agar men silliq bo‘lsam-chi? — to‘satdan so‘radi tipratikan.

— Albatta silar edim! — dedilar oyim.

Shu payt tipratikan chaqqon harakat bilan koptok shakliga kirib oldi-da, dumalay boshladi. Bir pastda yerdagi xazonlar tipratikanning tikanlariga yopishib qoldi. U har xil rangli silliq sharga o‘xshab qolgandi. Keyin u oyijonimning oldilariga dumalab keldi va zo‘rg‘a boshini chiqarib so‘radi:



— Endi mening tikanlarim yo‘q, to‘g‘rimi?

Oyim jilmayganlaricha tipratikanni siladilar.

— Barakalla, — dedilar oyim. — Sen juda topqir ekansan!

Men shundan keyin tipratikan bilan do‘stlashib oldim.



**Soyabon ushlab turgan bu sirli jonivor bilan tanishmoqchi bo‘lsangiz, raqamlarini tartib bilan bir-biriga ulab chizib chiqing.**

# SAKKIZTA FARQNI TOPING

Rassom amakimiz bizning zehnimizni sinab ko‘rish uchun ikkinchi suratda Sakkizta o‘zgarish qilgan. Siz ana shu sakiz farqni topishingiz kerak.







To‘polonchi mushukcha vazani sindirib qo‘ydi. Xuddi hech narsa qilmagandek iljayib turgan bu baroqvoy aybni boshqaga to‘nkab qo‘yishi ham mumkin. Keling, yaxshisi, quyidagi siniq parchalardan mosini topib, vazani ta’mirlab qo‘yaylik.

**Menga pastki burchakdagi gulgacha yetib borishimga yordamlashing. Buning uchun «sabzi-olma-gul» tartibiga rioya qilish kerak.**



Maymunchalar o‘yinga berilib ketishganidan kapalaknusxa bantiklarini tushirib qo‘yishdi. Qaysi bantikni qayerga taqishni bila olmay turgan maymunchalarni oyilari urusmasliklari uchun ularga yordam berishimiz kerak.



*Аждодларимиз орасидан нафақат Марказий Осиё маданиятига, балки жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган не-не алломалар етишиб чиққан. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун ибратдир. Қолаверса, боболаримиз мерос қилиб қолдирган аксар адабиёт ва санъат дурдоналари ҳозиргача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Уларнинг ижод намуналаридан бахраманд бўлиш баробарида маънавиятимизни бойитган бўламиз. Шунинг учун газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб «Буюк сиймолар» рукни остида ана шундай давлат ва маданият арбоблари, маърифатпарвар инсонлар, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди, шахс эркинлиги, ҳуррият, озодлик, миллий истиқлол йўлида олиб борган курашлари ҳақида мақолалар бериб боришни ният қилдик. Рукн материалларини тайёрлашда «Буюк сиймолар, алломалар» китобидан фойдаланилади.*

**ТАҲРИРИЯТ.**

# МАХДУМИ АЪЗАМ

Мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний ва сиёсий арбоб, Нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ва назариётчиларидан бири Махдуми Аъзамнинг тўлиқ исми — Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедийдир. У Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган. Косонийнинг отаси қорахонийлар сулоласига мансуб султонлардан Бурхониддин Қилич авлодларидан бўлиб, онаси эса Косон саййидлари оилаларига мансуб эди.

Махдуми Аъзам илк таълимни Косон мактабларидан бирида олган. Сўнг Ахсикатда Хожа Муборак мадрасасида ўқишни давом эттиради. Косонийнинг домласи Мулла Зиё ўз шогирдининг аъло даражадаги қобилиятини эътиборга олиб, унга «илм уз-зоҳир» (оддий, умумий илмлар)дан яхши таълим беради ва шу билан бирга «илм ул-ботин»ини чуқур ўргатди. Чунончи, ёш Аҳмад устозининг раъйига кўра танқли суфий шоирлардан Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» деб номланган машҳур девонини қайта-қайта ўқиб, ундаги чуқур фалсафий фикрларни «қалб кўзлари» билан кўриб, англаб олишга ҳаракат қилади.

Мадрасани битиргач, Аҳмад Косоний Шайх Мир Саййид Алига шогирд тушади. Мир Саййид Али янги шогирдини билимини синаб кўриш учун қийинқийин саволлар беради. Аҳмад Косоний саволларга тўлиқ жавоблар қайтаради. Шогирдининг билимидан мамнун бўлган шайх: «Энди мен сенга эмас, балки сен менга устоз бўлдинг» деган экан. Яна бир неча кундан сўнг шайх Али шогирдига бундай деган экан: «Шош вилояти томон йўл олки, ул вилоятда замонимиз қутби Муҳаммад Қози бордур; Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг корхонасининг бутун ишлари ул жавонмарднинг қўлларидадур». Муҳаммад Қози машҳур Хожа Аҳрор шогирди ва ўз замонида Нақшбандия тариқатининг раҳбари эди. У Хожаги Аҳмадни шогирд қилиб олади ва тез орада ўзига халифа этиб тайинлайди. Манбаларга қараганда, Махдуми Аъзам ўша чоғларда устози билан Ҳиротга сафар қилиб, у ерда танқли аллома ва шоир Абдураҳмон Жомий билан бир неча бор учрашиб суҳбатлашади.

Олти ойлик сафардан сўнг Мовароуннаҳрга қайтгач, Махдуми Аъзам устози билан Тошкентга келади. 1503 йилда Бухоро шаҳрининг ҳокими Муҳаммад Султон таклифи билан Бухорога кўчиб боради. Орадан бир оз вақт ўтгач, Махдуми Аъзам Муҳаммад Қози рухсати билан Ахсикатга қайтади ва бу ерда мустақил ваъзхонлик қилиб, Нақшбандия тариқатини тарғиб этишга астойдил киришади.

Муҳаммад Қози вафотидан сўнг Нақшбандия тариқатининг барча мовароуннаҳрлик шайхлари Махдуми Аъзамни «пешвойи тариқат» (тариқат пешвоси) сифатида эътироф этишди. Тез орада Махдуми Аъзамнинг шуҳрати бутун Мовароуннаҳр ва унинг атрофидаги қўшни мамлакатларга ёйилди.

Махдуми Аъзамнинг илмий мероси бой бўлиб, у тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, нақшбандия таълимотини янада ривожлантириш соҳасида баракали фаолият кўрсатди. Унинг қаламига мансуб 30 дан ортиқ рисола маълум.

Махдуми Аъзам асарларининг энг тўла мажмуаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Аллома фикрлари ва дунёқарашларига асосан ал-Ғаззолий, Ибн Араби, Хожа Муҳаммад Порсо ва бошқа танқли файласуф суфий олимларнинг асарлари таъсир қилган. Махдуми Аъзам Нақшбандия таълимоти ва умуман тасаввуф фалсафасини ўз замонига мослаштирган ҳолда янги ғоялари билан бойитди.

Махдуми Аъзам Нақшбандия назариясига яна бошқа ислоҳотлар киритди. Жумладан, у Нақшбандия шайхларидан биринчилар қаторида жаҳр зикри, самоа ва шунга ўхшаш тасаввуф маросим тартиблари шариатга хилоф эмаслигини исботлади ва ҳатто уларни маълум бир даражага етган шогирдлари орасида татбиқ этди. Бундай ислоҳотларнинг ягона мақсади — «Нақшбандия тариқатини турк (ўзбек) ва тожиклар учун бир хил қилиб, яқинлаштиришдир».

Нақшбандия тариқатининг танқли назариётчиси Бадриддин Кашмирий (ваф. тах. 1620) ўзининг қатор асарлари («Рауз ат ар-Ризвон», «Раузат ул-жамол»)да Махдуми Аъзам рисолаларидан фойдаланган. Унинг асрдоши Нақшбандия ва Яссавия тариқатларининг буюк намояндаси, назариётчиси ва тарғиботчи Султон Аҳмад Ҳазиний ал-Ҳисорий асарларида ҳам Махдуми Аъзам баён этган фикрларга кенг шарҳлар битилган. Маълумки, Ҳазиний 1567—68 йилларда ҳажга сафар қилиб, сўнг умрининг охиригача Усмонийлар салтанатига қарашли улкан шаҳар ва вилоятларда (Сурия, Қоҳира, Истанбул) яшаб, ўша ерларда Махдуми Аъзам ғояларини тарғиб этган.




**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: Магма. Газон. Бодом. Ёстиқ. Роналдо. Мадраса. Сурат. Надис. Биолог. Зарар. Зора. Рафиқа. Таяммум. Йиринг. Дам. Синоат. Ойна. Кирза. Адл. Барнаул. Ижро. Афина. Немо. Тан. Пиза. Тизим. Макарон. Куя. Ниначи. Испания. Эквадор. Адолат. Аминов. Титаник. Икар. Назорат. Абай. Трап. Физика. Тўшак. Абориген. Кокаин. Ана. Мухтасар. Айб. Ширмой. Кагор. Толибон. Аза. Вирус. Казино. Анкета. Порох. Муборак.

БЎЙИГА: Саҳна. Эрта. Шиа. Жодугар. Турк. Коми. Олимпия. Ватт. Курак. Хоразмий. Жоиз. Рада. Захм. Мотам. Нур. Зид. Дона. Итоат. Руда. Одам. Толиб. Найза. Алабама. Ракат. Йўлак. Мадҳ. Раво. Оазис. Мактаб. Гир. Дори. Марк. Доро. Аспирин. Кира. Рух. Сано. Пана. Шим. Гамбит. Имон. Байт. Қабр. Аванс. Вафо. Боку. Диаз. Кран. Кипр. Зира. Лаб. Атроф. Синф. Гана. Қози. Низо. Алик. Раис. Ранг. Рига. Бир. Оқсоқ. Узун. Сочи. Саке. Хона. Агар. Алам. Ният. Тана. Нок.

# ТУШЛАР ТАЪБИРИ

*(Боши ўтган сонларда).*

## ДОҒ-ДУҒ (ТАНАДАГИ)

Танасида доғ кўрса — саломатлигининг ва ишининг ўлда-жўлдалигидан хабар. Агар доғ оқ бўлса — яхшиликка йўл. Бошқа кимсанинг танасида доғ кўрса — ўша одам туш соҳибига иккиюзламачилик қилаяпти. Агар ўша танадаги доғлар кўп ва катта бўлса — ундан келадиган қаттиқ дилозорлик. Садақа бериш лозим. Мабодо, тушда кўрилган кимса танасидаги доғлар оқ бўлса — ундан манфаат келади.

## ДЎЗАХ

Буни кўриш — оғир касаллик, қилинган гуноҳдан дарак. Ибодат қилиб, Аллоҳга илтижо этиши керак. Аёлларга — базм, тўй.

## ДЎСТ

Анча вақтдан бери суҳбатлашмаган дўстини кўриш — туш соҳиби у томонидан эсланаяпти ёки уни кўради. Дўстни ночор ёки касал ҳолда кўриш — ноxуш хабар. Хурсанд кўриш — янгилик эшитиш.

## ЕР

Кенг ер-заминни кўриш — катта мартаба, давлат, Аллоҳнинг марҳамати. Кўм-кўк ер — ишда, уйланишда омад келиши. Ер қазиш — қазилган тупроқ ҳажмига монанд маблағга эга бўлиш.

## ЕЧИНИШ

Бу нарса — касаллик ва сиридан ўзгаларнинг хабар топиши. Пляжда ечиниш — сир бой бермаслик, тавба қилиш, тозаланиш. Бировнинг ечинганини кўриш — унинг бир ёмон ишига сабабчи бўлиш.

## ЁШ БОЛА

Чиройлик бола — яхшилик, шодликдан хабар. Хунук, йиғлоқи бола — дилхиралик, дард, ташвиш келаётганига ишора. Мажруҳ бола — йўқотиш ифодаси.

## ЁЗ

Бошқа фаслларда кўринса — яхшилик. Ёзда кўринса — кўп ишлар.

## ЁНҒОҚ

Дарахтдаги ёнғоқ — енгил даромад. Дарахтдан териб олиш — меҳнат орқали келадиган даромад. Тўкилиб ётгани — кутилган нарсага эга бўлиш, орзу-истакларнинг рўёбга чиқиши, тинч оилавий ҳаёт. Ёнғоқ чақиш — бемаъни харажатлар, зарар кўриш. Орқа-олдингизга қаранг.

*(Давоми бор).*

ФУТБОЛ

# «ПАХТАКОР» ВА «ТРАКТОР» ПЕШҚАДАМ

*Футбол бўйича Ўзбекистон XV чемпионатининг олий лигасида учинчи турдан кейин пойтахтнинг «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари жадвалда олдинги ўринларни эгаллаб туришибди.*

Маълумки, «Пахтакор» ва «Нефтчи» футболчиларининг беллашувлари асосан қизиқарли ўтган. Чунки кўпчилик ишқибозлар ҳар иккала жамоанинг кучини тенг деб ҳисоблайди. Бунга асос бор, албатта. Фарғоналик футболчилар миллий чемпионатда юқори ўринларга даъвогарлар сафида туради. Аммо пойтахтда ўтказилган навбатдаги баҳсда Юрий Саркисян шогирдларининг ўйини қовушмади. Биринчи дақиқаларданоқ ташаббусни ўз қўлига олган пахтакорчилар ҳужумга зўр беришди. Сервер Жепаровнинг бурчакдан тепган тўпини Александр Клецков боши билан дарвозага йўллади.

Ишқибозларни айниқса, «Пахтакор»нинг ҳимоячилари хушнуд этишди. Меҳмонлар ҳарчанд уринмасинлар, Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозага хавф сололмадилар. Иккинчи бўлимнинг иккинчи дақиқасида Сервер Жепаров йўллаган тўпни бу гал Зайниддин Тожиев боши билан дарвозага киритди. Иккита голга имкон яратиб берган Сервер ўйиннинг охирги дақиқаларида ўзи жарима тўпини дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 3:0 га етказди.

Жадвалнинг иккинчи поғонасини эгаллаб турган «Трактор» «Андижон» меҳмони бўлди. Пойтахтликлар учун бу ўйин осон кечмади. Чунки мезбонлар ўйиннинг 65-дақиқасигача 2:1 ҳисобида олдинда бордилар. Кетма-кет ҳужум уюштириб, андижонликларни бироз саросимага солган «Трактор» футболчилари рақиб дарвозасига иккита тўп киритиб, ўйинни ғалаба билан якунладилар. Бу беллашувда андижонликлар дарвозасини икки марта аниқ мўлжалга олган ҳужумчи Илҳом Мўминжонов тўпурарлар сафидан ўрин олди.

Бу турнинг яна бир қизиқарли учрашуви Қаршида бўлиб ўтди. «Насаф» меҳмони бўлиб турган Бекободнинг «Металлург» жамоаси 85 дақиқагача ғалаба қозонаётган эди. Аммо сўнгги дақиқаларда Виталий Алекперов икки, Константин Боев битта голи билан қаршиликларни олдинга олиб чиқдилар. Қашқадарё вилоятининг чемпионликка даъвогар яна бир жамоаси — «Машъал» Бухорода ўйин ўтказиб, мезбонлар дарвозасига учта жавобсиз тўп киритди.

«Хоразм» футболчилари «Навбаҳор» жамоасини қабул қилиб, ўз дарвозаларидан бешта гол ўтказиб юборди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Сариосиёнинг «Тўпаланг» футболчилари учрашувида ҳисоб очилмади. «Қизилқум» — «Самарқанд-Динамо» учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди. Пойтахтнинг «Локомотив» жамоаси Ғузорда «Шўртанг» меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Навбатдаги тур учрашувлари 1-2 апрель кунлари ўтказилади.

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуида футзал бўйича биринчи лига жамоалари ўртасида ўтиш турнири старт олди. Мусобақаларда Навоий вилоятининг «Строитель-ПЕМ» ва «Учқудуқ-2006», Бухоро вилоятининг «Когон-Ёғ», Қўқоннинг «Қўқон-2006» ва Наманганнинг «Олимпия» жамоалари иштирок этмоқдалар.**

***

Шу йил 21-27 май кунлари Тошкентда футзал бўйича Осиё чемпионати ўтказилади. Ўйинларни бошқаришда ўзбекистонлик ҳакам Сайфиддин Омонов ҳам иштирок этади. Мусобақалар пойтахтнинг «Юнусобод» спорт мажмуасида ўтказилади.

***

**Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг биринчи лига жамоалар баҳси 9 апрелдан бошланади. Бу йилги мавсумда 20 та жамоа иштирок этиши кўзда тутилган. Қуръа ташлаш маросимида ҳар бир жамоадан вакиллар қатнашди.**

***

Мини-футбол бўйича аёллар ўртасида республика чемпионатининг якунловчи тур ўйинлари Чирчиқ шаҳрида ўтказилди. Қарши шаҳрининг «Севинч» жамоаси иккинчи бор Ўзбекистон чемпиони бўлди.

***

**Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини бўлиб ўтадиган Берлиндаги «Олимпиаштадион» майдони бўлаклаб сотиладиган бўлди. Германиянинг Quelle фирмасига бу ғояни амалга ошириш 8,9 миллион евро даромад келтириши мумкин.**

КУРАШ

# ЁШ ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Тошкентдаги Республика Олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича 1989-1991 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги якунланди.

Унда юртимизнинг турли минтақаларидан келган 150 нафар ёш полвон ўн вазн тоифасида куч синашди. Республика Олимпия захиралари коллежи вакиллари — Александр Лохов, Нурбек Ўктамов, Азиз Муродов, Рустам Султонов, Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси Ермахан Мамбетов, пойтахтлик Хуршид Тўхтаев, Абдурашид Бегдалиев, самарқандлик Меҳрож Абдуллаев, андижонлик Улуғбек Асқаров ва бухоролик Олим Холлиев ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқдилар.

ҚЎЛ ЖАНГГИ

# ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Тошкентда қўл жангги бўйича 10-15 ёшли ўсмирлар ўртасида Марказий ҳарбий спорт клуби очиқ кубоги мусобақалари якунланди.***

Унда Ўзбекистон қўл жангги федерацияси вакиллари — Р. Юсупов, Б. Қорабоев, Ж. Мансуров, Н. Жўраев, М. Мирсаидов, Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси С. Нажмиддинов, жиззахлик Р. Қувондиқов, Р. Сапаев, С. Файзуллаев, қаршилик А. Жабборов, Н. Шодохунов, С. Эрназаров, О. Абдуллаев, бекободлик Б. Мусаев, Д. Аллабердиев, М. Розиқов, И. Йўлдошев, фарғоналик А. Абдуллаев, наманганлик Б. Тожибоев, С. Муродов ва бухоролик С. Ҳабибовлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

ЎзА.

БОКС

# ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҒАЛАБА

АҚШнинг Флорида штатида ўтказилган профессионал бокс бўйича мусобақа юртимиз ишқибозларининг диққат марказида бўлди. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган чарм қўлқоп устаси Темур Иброҳимов америкалик Кенни Крейвенга қарши жанг ўтказди.

Ўта оғир вазнлилар баҳсида ўзбекистонлик ўғлон саккиз раундга мўлжалланган мусобақани икки раунддаёқ якунлаб қўйди. Унинг кучли зарбаларига америкалик боксчи дош беролмай, учинчи раундга чиқмай, енгилганини тан олди. Темур Иброҳимов профессионал боксчилик фаолиятини 2000 йилнинг баҳорида бошлаган эди. Ўтган олти йилда 22 та жанг ўтказиб, шундан 21 тасида ғолиб чиққан, биттаси дуранг билан тугаган, 13 та жангда рақибларини муддатидан аввал мағлубиятга учратган.

Юртдошимизнинг эришаётган ғалабалари келгусида профессионал бокс рейтинг жадвалида юқори ўринларни эгаллаб турган чарм қўлқоп усталари билан рингга чиқиши учун йўл очиб беряпти. Ўзбекистонлик бокс ишқибозлари шу йил 24 июнь куни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида Темур Иброҳимов билан америкалик Калвин Брок ўртасидаги жангни кўришлари мумкин. Эслатиб ўтамиз, Калвин Брок жаҳон рейтингида бешинчи ўринда туради.

ГИМНАСТИКА

# ОКСАНАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Германиянинг Котбус шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг "В" тоифасига кирувчи халқаро турнирида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда жаҳон чемпиони ва Олимпиада ўйинлари ғолибаси ўзбекистонлик Оксана Чусовитина лангарга таяниб сакраш бўйича халқаро турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Фокин турникда бажарган машқлари билан кучли тўртликдан жой олди.

ТЕННИС

# ЧЕМПИОНАТ ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтимизда теннис бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Эркаклар ўртасида наманганлик А. Асанов биринчи ўринни қўлга киритди. Фарғоналик А. Квак — иккинчи, қашқадарёлик А. Намозов учинчи ўринларни банд этишди. Хотин-қизлар ўртасида пойтахтлик А. Хабибуллина барча рақибларини мағлубиятга учратган бўлса, самарқандлик Л. Азимовага иккинчи ўрин насиб қилди. Учинчи ўринни фарғоналик Ш. Ҳотамова банд этди. Жуфтлик беллашувларида пойтахтлик спортчилар мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганлигини исботлади. Эркаклар беллашувида В. Узоқов ва Р. Биктяков жуфтлиги шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Хотин-қизлар ўртасида М. Твердикова ҳамда Д. Нарзиқулова жуфтлигига тенг келадигани топилмади.

ЎзА.

НИМТАБАССУМ



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, капитан **Ҳасан МУРОДОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинология хизмати ходимлари.**

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Э. Қурбонов номли фермерлар хўжалигида яшовчи **НУЪМОН** бобо ва **ГУЛАНДОМ** аяларни Наврўз байрами билан табриклаймиз. Бахтимизга яна кўп йиллар саломат, бардам бўлиб даврамизни тўлдириб юришларини тилаймиз.

**Фарзандлари ва набиралари номидан сафдор Аъзамжон Мажидов.**

Андижон вилояти ИИБ ахборот маркази катта инспектори, майор **Муродилжон СОТВОЛДИЕВ**ни 5 апрель – таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хизматида омад ва ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз.

**Оила аъзолари номидан акаси Ўринбой.**


**НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ БОЛАЖОНЛАР НИГОҲИДА**

## «МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

### ОДИЛ КИШИ ОЙДАЙ, ОҚИБ ТУРГАН СОЙДАЙ

«Оқиб турган сойнинг суви қанчалар мусаффо, тиниқ, кўзни ва дилни қувонтиргувчи бўлса, одил киши, яъни адолатга садоқатли, бирор томонга ён босмай, адолат юзасидан холисона, ҳаққоний иш тутувчи, тўғри, беғараз одам ҳам шунчалар ёқимли, «фариштали», ибратли, обрў-эътиборли, иззат-ҳурматга сазовор бўлади» дейилмоқчи.

### ОЁҚ ЧАРЧАСА, ТАЁҚ ЯРАЙДИ

Вариант: «Таёқда той кучи бор»; «Болта билан иш қилсанг, эҳтиёт қил оёқни, кексаликда йўл юрсанг, қўлдан қўйма таёқни».

### ОЁҚ ҚАЙДА БЎЛСА, БОШ ШУНДА

Бу – халқимизнинг қадимий мақолларидан бири бўлиб, уни Атоий қуйидагича ишлатган:

Э, хаёлинг то адаб ҳамроз йўлдошим манинг,
Қайдаким бўлса аёғинг, андадур бошим манинг.

### ОЗДАМИ БАРАКА, КЎПДАМИ?

Кўпинча: «Барака кўпда эмас, қайтага озда бўлади. Бойнинг мол-дунёси кўп бўлгани билан, на баракаси бор, на – ҳайру эҳсони. Камбағалда маблағ, егулик-ичгулик оз бўлса ҳам, баракаси бор, қайтага бойдан кўра камбағал сахийроқ», демоқчи бўлганларида шундай дейдилар.

### ОЗОДЛИК – ОБОДЛИК

Инсоният қадим-қадимдан озодликни улуғлаб, эъзозлаб, озодлик, мустақиллик учун курашиб келгани; ажнабийлар зулмидан, тутқунликдан озод бўлган, мустақилликка эришган элу юртларнинг гуллаб-яшнагани, обод бўлгани тарихдан маълум. Мазкур мақол билан шуни қисқагина, аммо ниҳоятда чуқур маъноли қилиб ифода этганлар.

### ОЙ – ОШИҚНИНГ ЙЎЛДОШИ

Вариант: «Ой – ёлғизнинг сирдоши, ўйчиларнинг ўйдоши, ошиқларнинг мунгдоши, йўлчиларнинг йўлдоши»; «Ойдинда оқсоқ ҳам сайр қилгиси келади»; «Ойдинда ит пўстак талашар»; «Ой-у юлдуз кўкка ярашар»; «Ой сулуви – нур, сой сулуви – сув»; «Ойнинг тўлиқлигидан офтобнинг зарраси ўткир»; «Ой бўлмаса, ақл озади, кун бўлмаса, кўнгилни кир босади».

### ОЙ ТЎЛГАНИН БИЛМАС, ЙИГИТ БЎЛГАНИН БИЛМАС

Вариант: «Той от бўлганин сезмас, йигит ота бўлганин сезмас». Баъзи йигитлар улғайиб, ҳатто уйланиб, болали бўлганларида ҳам боланикдаги енгилтаклик, бир ишни ўйлаб-нетиб ўтирмай қилиб юбораверадиган, орқа-ўнгини ўйламай гапирадиган ва ҳоказо одатларни қўймайдилар. Мазкур мақолларни шундайларга қарата киноя ва истеҳзо тарзида қўллайдилар.

### «ОЙНИ ОЛИБ БЕРАМАН»ГА БОЛА ИШОНАР

Бу мақол билан: «Сенинг агар ақлинг бўлса, бировнинг «Фалон қилиб бераман, писмадон қилиб бераман» деган қуруқ гапига, айёрона ваъдасига, «лақиллатишига» «учма», ишонма. Бундай гапларга ҳали эси кирмаган болаларгина ишонади. Сен ҳар бир ишни ўз ақлинг тарозиси билан ўлчаб қил», демоқчи бўладилар.

### ОЛДИН АНГЛА, КЕЙИН ТАНЛА

Бу билан: «Ҳаётда ҳар бир нарсани танлашда – ўзингга умр йўлдоши, ўғлингга келин, қизингга куёв, доимий дўст, саёҳатда йўлдош, гапирганда сирдош танлашда ёхуд бирор нарсани сотиб олишда унинг кимлигини, нималигини, қандайлигини обдон суриштириб бил, ўрган, кузат, у ҳақда ўйла, ақлинг билан англа, мушоҳада қил-да, кейин қатъий бир қарорга кел», деган маънода насиҳат қиладилар.

### ОЛДИН СУВ ТОП, КЕЙИН ТОЛҚОН Е

Бу билан толқоннинг киши томоғига тиқилувчан хусусиятини, толқон тиқилган одам қийин бир аҳволга, ҳатто ҳаёт учун хавф соладиган оғир аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини ифода этадилар.



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
### Келгуси ҳафта учун

**ҚЎЙ. 21 март – 20 апрель**



**Ушбу ҳафтада рўй берадиган воқеаларга ортиқча эътибор берманг. Бироз саъй-ҳаракат қилсангиз, қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Саёҳатларга бориб, бир олам таассурот олиш имконияти бор.**

**СИГИР. 21 апрель – 20 май**



**Мазкур етти кунликда ишларингиз юришиб кетади. Барча жабҳаларда фаоллик кўрсатасиз. Белгиланган вазифаларни бажаришга дарҳол киришманг. Бўш вақтингизни кутубхонада ёки дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул.**

**ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**



**Ушбу даврда ақл-заковатингиз ва сабр-тоқатли бўлишингиз жуда асқотади. Ҳамкасбларингиз сиз ҳақингизда доим ҳам ижобий фикрда бўлмасликлари мумкин. Агар зарурат туғилмаса ортиқча ваъдалар берманг.**

**ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**



**Мазкур ҳафтада ҳис-туйғуларингизни имкон қадар жиловлашга ҳаракат қилинг. Ҳар бир масалада эҳтиёткор бўлиш ва қадамни ўйлаб босиш муаммолар бартараф этилишида қўл келади.**

**АРСЛОН. 23 июль – 23 август**



**Босиқлик билан иш тутсангиз, барча йўналишларда муваффақиятга эришасиз. Кўзланган режаларни бемалол уддалаш имконияти бор. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.**

**БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**



**Керакли маълумотларни олаётганда икир-чикирларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Атрофингиздаги одамлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим эканлигини унутманг. Улар фойдали маслаҳатлар бериши мумкин.**

**ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**



**Тўпланиб қолган юмушлар анча ташвиш келтиради. Мавқеингизни яхшилаб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб оласиз. Танқидий фикр билдиришга киришиб кетманг. Севган кишингизни ранжитиб қўйишингиз ҳеч гап эмас.**

**ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**



**Ушбу ҳафтадаги баракали меҳнат ўз самарасини беради. Бўш вақтни қандай ўтказиш ҳақида ўйлаб кўришингиз зарур. Асосий шиорингиз кам ҳаракат қилиб, кўпроқ дам олиш бўлгани маъқул.**

**ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**



**Ҳаётингизда маълум ўзгаришларга эришиш учун қулай даврдир. Мавқеингизни яхшилаш учун барча имкониятлар мавжуд. Эришилган ютуқларни ҳозирча ошкор қилмай туринг. Вазиятга қараб иш тутишингизга тўғри келади.**

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**



**Мазкур ҳафтада вақтдан шундай фойдаланингки, самарали меҳнат қилиш билан бирга ҳордиқ чиқаришга ҳам улгуринг. Ҳар қандай амалий масалаларни тез ва иккиланишларсиз ҳал этишингиз лозим. Имкон қадар баҳслашмасликни маслаҳат берамиз.**

**ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**



**Эҳтиросларга ортиқча берилмай ўзингизни босиқ тутсангиз омад кулиб боқади. Биринчи навбатда муҳим вазифаларни бажаришингиз зарур. Акс ҳолда ўзгалар муаммосини ҳал этишга киришиб кетишингиз мумкин.**

**БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**



**Меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, ишбилармонлик қобилиятингизни намоён этишингизга тўғри келади. Эски қадрдонлар ва маслакдошларингиз муаммолар келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Якшанба кунни оила даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

***Бир неча йилдан бери ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаяпман. Фаолиятим давомида республика Бизнес мактабига сиртдан ўқишга кириб, «Бизнесда хўжалик ҳуқуқи» мутахассислиги бўйича диплом олдим. Ушбу диплом мен ишлаётган соҳага бирор имтиёз берадими?***

**Ф. Аҳмедов.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қишлоқ ёшларини бизнесга йўналтириш, уларни тижорат юритишга ўргатиш мақсадида олий таълим муассасалари қошида бизнес мактаблари ташкил этилган. Бу жойларда таълим олганлар соҳа бўйича муайян малакага эга бўладилар. Аммо уларга ўрта махсус ёки олий маълумот, шунингдек, маълум имтиёз берилмайди.

***Турмуш ўртоғим билан уч йилдан бери бирга яшаймиз. Икки фарзандимиз бор. Бироқ ўртамиздаги никоҳ қонуний расмийлаштирилмаган. Фарзандларимга ўтган давр учун нафақа олишга ҳаққим борми?***

**С. Ботирова,**
*шифокор.*

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61 ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Агар вояга етмаган болаларга таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, улар учун нафақа суд томонидан отанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун ярми миқдорида ундирилади. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддаси).

***Мен Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг кундузги бўлимида ўқийман. Ўқиб юрган пайтимда турмушга чиққандим. Тўртинчи курсни битириш арафасида, яъни 2004 йили фарзандли бўлдим. Фарзандим учун нафақа сўраб, маҳаллага мурожаат қилганимда, улар менга «эрингизнинг даромади кўп бўлганлиги учун нафақа ололмайсиз» деб жавоб беришди. Шу тўғрими?***

**Д. Собирова,**
*Тошкент шаҳри.*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия вазирликлари, республика «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар, уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби» тўғрисидаги Низомнинг 2-моддаси «б» бандида шу ҳақда гап боради. Унга асосан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта-махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида пулли-контракт асосида ўқийдиган оналар ёки улар ўрнини босадиган шахсларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола икки ёшга етгунга қадар унга парвариш нафақаси тайинланади. Лекин Низомнинг 10-моддасида кўрсатилишича, ушбу нафақа оила даромадини ҳисобга олган ҳолда белгилайдиган мезон бўлиб, унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

**Саволларга Тошкент шаҳар Халқаро ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхона адвокатлари Э. ТУРАБАЕВА, М. МАЗБУДОВА ҳамда республика Олий ва ўрта - махсус таълим вазирлиги бўлим бошлиғи Қ. РЎЗИЕВлар жавоб беришди.**

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан анжуман ўтказилди. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жўраев сўз олиб, республикадаги ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди. Кейин Президентимизнинг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини шарҳлаб берди. Маълумки, республикамиз аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшайди. Бу қарорнинг ижобати қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш, турмуш фаровонлиги ва даромадларини кўтаришда муҳим ўрин тутади. Шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш билан гўшт, сут ва сут маҳсулотларини етиштириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шароит яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қарорда 2006-2010 йиллар мобайнида аҳолига қорамол сотиб олиши учун имтиёзли микрокредитлаш мақсадида 158 млрд. сўм ажратилади. Бу кўплаб хонадонларда чорва молларини боқиш, кўпайтиришга имкон яратади. Республикамизнинг ҳар бир қишлоқ, туманида 100 тадан 200 тагача кам таъминланган ва кўп болали оилалар аниқланиб, уларга биттадан сигир ажратилиши катта, хайрли иш бўлади.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қорамолларни серсут, сергўшт, зотлиларини кўпайтиришдан иборатдир. Қарорда наслчиликни ривожлантириш учун хорижий давлатлардан зотли қорамоллар келтиришда бож тўловларидан озод қилиниши кўрсатиб ўтилганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Кейинги беш йилда аҳолига 100 минг бошдан ортиқ маҳсулдор қорамол сотилиши кўзда тутилган. Чорва моллари учун ихтисослашган омухта ем сотиладиган дўконлар очиш, зооветеринария ва чорвани сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

# ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛДИ

## *Меҳр-мурувват ва саховат байрами — Наврўз ҳамма ерда кўтаринки руҳда ўтмоқда.*



Қутлуғ айём куни айниқса, кексаларни, қариндош-уруғларни йўқлаш, беморлар ҳолидан хабар олиш савобли иш. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий шифохонасида ўтказилган Наврўз айёми шифохона ходимлари ва даволанаётганлар учун унутилмас кун бўлиб қолди. Маърифат ва маънавият хонасига шифокорлар, ҳамшира ва хизматчилар, беморлар йиғилишди. Тантанали тадбирда ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Сатторов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг шифохона ходимлари ва даволанаётганларга байрам табригини ўқиб эшиттирди. Билдирилган самимий тилаклар беморларнинг дардига малҳам бўлди.



— Саломатлигимни тиклаш учун келганман, — дейди ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор А. Исамуҳамедов. — Наврўз муносабати билан уюштирилган тадбир кўнглимни тоғдек кўтарди. Қутлуғ кунда бизларни эслаб, илиқ сўз айтганлар асло кам бўлмасин.

— Шифохонага келганимда аҳволим анча оғир эди. Ҳозир дардим енгиллашиб қолди. Байрамни фарзандларим даврасида ўтказмаётган бўлсамда, кайфиятим кўтаринки руҳда. Айниқса, вазиримизнинг табригидаги илиқ сўзлар анча кўнглимизни кўтарди, — деди Сирдарё вилояти ИИБ ШТБИХ катта инспектори, подполковник Ў. Болтабоев.



Ҳа, дардчил кўнгилларни кўтариш, касални енгиллаштирган каби савобли иш. Шифохонада «Наврўз» умумхалқ байрамини кенг нишонланиши ҳам бежиз эмас. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тожибар Азизова, Анвар Ғаниев, шунингдек, «Турон» дастаси иштирокчиларининг куй ва қўшиқлари байрам тадбирига янада жозиба бахш этди.

**Ўз мухбиримиз.**

***Суратларда:** Марказий шифохонада ўтказилган байрам тадбиридан лавҳалар.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТЛАР

● Аллоҳ инсонни яратди. Унга қадди-баст, икки юзу қирқ саккиз каттаю кичик сўнгак, гўшт, мушак, пайлар ато қилди. Юрак соғлом бўлса, тана ҳам мустаҳкам. Зеро, Одам боласида кўнгил бирламчи, ҳар қандай яралганнинг юраги кўкракдан жой олган. Одамнинг юраги чап кўксидадир. Юрак – бошқарувчи, кўнгилни мўътадил ҳолатда асраб тургувчидир: жигар тананинг мулки, қон сарчашмаси, ҳарорат, жасорат манбаидир.

● **Шайх Шарафиддин айтади: «Мен бу дориворни истеъмол қилдим ва Аллоҳ умримни узайтирди. Мана, шу дориворнинг қўлланмаси: «Уч мисқол қалампир, икки мисқол ҳинд шафоихаси, мускат ёнғоғи ва тозаланган ҳалила, ўттиз мисқол атиргул гулбарги, юз мисқол захра ва юз мисқол кашнич уруғи олинади. Ҳаммаси туйилади, қайнатилади, кейин шакар ё асал қўшилади. Ҳар саҳар ярим мисқолдан истеъмол қилинади. Қарийб барча хасталиклардан форир қилади. Кўзни равшанлаштиради, акл фаолиятини яхшилайди.**

● Тўрт мисқол қалампир, беш мисқол долчин, икки мисқол ҳинд шафоихаси, тўққиз мисқол мускат ёнғоғи, тўққиз мисқол чиннигул гулбарги, беш мисқол занжабил, ўн олти мисқол ҳалила, беш мисқол атиргул гулбарги, юз йигирма мисқол седана, юз мисқол жувана, етмиш мисқол каноп уруғини яхшилаб аралаштириб, бомдоддан сўнг истеъмол этилади. Барча дардларни кўрмагандай бўлиб кетасиз.

● **Кимки ит пўстагида ўтирса, дардга чалинмайди.**

● **Саримсоқ хомлигича ейилса, ошқозон куртини ўлдиради.**

● Асалга омухта қилинган турп уруғи ошқозон касалликларига кор қилади.

● **Атиргул мойига омухта қилинган исирикдан муайян миқдор ичган киши ошқозон куртларидан халос бўлади.**

● Агар киши кўнгил айнишидан қийналса, аввалдан шакар сепиб қўйилган ялпиз баргини есин. Ялпиз истеъмол этиш танани балғамдан фориғ қилади.

● **Овқатга тоғ ялпизини кўп ишлатадиган одамнинг ошқозони бақувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди. «Ҳаром қон» кўпайиши, деган дарддан қийналмайди.**



***Баҳор фаслида айрим витаминларнинг вазифаси ва улар етишмаслигидан келиб чиқадиган ҳолатлар билан танишиб қўйганимиз маъқул.***

# КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ

**Витамин «С» (аскорбат кислота)**

Инсон организмида модда алмашинувида, оқсилларининг ўзлаштирилишида, бириктирувчи тўқималарни бир меъёрда тутиб туриш ва тиклашда бебаҳо аҳамиятга эга.

**Етишмаганда:**

Қон томирлари деворларининг ўтказувчанлиги ортади (бўшашади). Тоғай ва суяк тўқималарининг тузилиши (структураси) бузилади. Цинга (лавша) касаллиги пайдо бўлади.

**Витамин «А» (Ретинол).**

Асосан организмнинг меъёрда ўсишини таъминлаб, кўз фаолиятини яхшилайди.

**Етишмаганда:**

Тери қуруқшайди, оқариб, майда тошмалар, йирингли яралар тошади. Сочнинг ранги хиралашади, қуруқлашиб тўкилади. Тирноқ мўртлашиб, синади. Кўз касалликлари, хусусан, шабкўрлик, ёруққа қарай олмаслик кабилар келиб чиқади.

**Витамин «Д» (кальциферол)**

Организмда моддалар, минераллар алмашинувида фаол иштирок этади. Суякнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Ёш болаларнинг бўйи ўсиши, суяклари мустаҳкам бўлишида бекиёс ўрни бор.

**Етишмаганда:**

Тишларнинг кеч чиқиши, қорайиб, емирилиши, синиши, кўп терлаш, мускуллар оғриши, рахит келиб чиқади.

**Витамин $B_5$ (пантетенат кислота)**

Модда алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Асаб тизими, буйрак усти ҳамда қалқонсимон безлар фаолиятини бир меъёрда тутиб туради.

**Етишмаганда:**

Асабийлик, буйрак фаолиятининг бузилиши, организмда йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган хасталикларга сабаб бўлади.

**Витамин «$B_9$» (фолат кислота)**

Айрим аминокислоталарнинг алмашинуви ва синтезида қатнашади, кўмикнинг қон ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилайди (кучайтиради).

**Етишмаганда:**

Кучли камқонлик, меъдаичак тизими сезувчанлигининг камайиши юз беради.

**Витамин «К» (филлохинон)**

Организмда қон ивишини ҳосил қилувчи асосий омилдир.



**Етишмаганда:**

Одам бирорта жароҳат олганда қон кетишининг тўхташи қийин бўлади. Бурун, милк, ошқозон-ичак тизими кабилардан қон кетиши кузатилади.

**Витамин «$B_2$» (рибофлавин)**

Углевод, ёғ, оқсиллар алмашинувида иштирок этиб, бўй ўстиради. Марказий асаб тизими фаолиятини яхшилайди. Кўз фаолиятининг меъёрда бўлишини таъминлайди.

**Етишмаганда:**

Лабнинг бурчаклари ёрилади. Соч тўкилиб, кўз касалликлари келиб чиқади.

Юқоридагилардан кўринадики, инсон организми ҳамиша дармондориларга ўзида эҳтиёж сезади. Улар меъёрда бўлганда, ҳамиша қувноқ, серғайрат, куч-қувватга тўлиб, соғлом бўлиб юрамиз. Организмимизни керакли дармондорилар билан таъминлаш, қиш фасли давомида сарфланганлари ўрнини ўз вақтида тўлдириш, шу билан бирга дармондориларни қачон, қай тарзда қабул қилишни билиш, уларни суистеъмол қилмаслик (айниқса, дори ҳолида) ҳамиша бардам юришимизнинг гаровидир. Шуни унутмаслик керакки, бошқа дорилар каби витаминларни ҳам фақат шифокор тавсияси билан, аниқ кўрсатилган миқдорда ичиш шарт.

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ

● Наъматак, болгар қалампири, қора смородина, лимон, шовул, апельсин, қулупнай, карам, картошка, помидор ва кўк пиёз С дармондорисига бой.

● **Қуруқ пиво ачитқиси, нондан тайёрланган квас, кепак, соя, жавдар, гречка, маккажўхори витамин $B_1$ нинг конидир.**



● Тухум, пишлоқ, сут, гўшт, ерёнғоқ, соя, ясмиқ, кўк нўхот, нок, шафтоли, помидор, сабзи, лавлаги, гулкарам, исмалоқда $B_2$ витамини кўп.

● **Д витамини инсон организмига қуёш нури таъсиридан пайдо бўлади. Шунингдек, унинг асосий манбаси балиқ мойидир.**

● Кўзда бирор қасаллик пайдо бўлганида ҳайвонлар ва балиқ жигарини истеъмол қилиш, балиқ мойини ичиш (шифокор кўрсатмаси билан) фойдали. Чунки бу маҳсулотларда А витамини мавжуд.

● **Карам, исмалоқ, салат, қичитқи ўтнинг барра барглари ҳам А витаминига бой.**

● Баҳор таомларидан кўк сомса витаминнинг конидир.



**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА** тайёрлади.

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТЛАР

● Наҳорда оч қоринга озгина исириқ ейдиган ҳар бир киши жигар хасталиклари, истисқо, ичак яллиғланиши, қорин дамлаш, балғам ва бавосилдан фориғ юради.

● **Турп, мингбоши, арпабодиён, кашнич уруғларидан угра қилиб, шўрвага солиб ичган кишига ҳеч қандай касаллик яқин йўламайди.**

● Кишининг ичи кетса, товуқ гўштини қайнатиб, тузлаб тановул қилсин.

● **Кимки, наҳорда қайнаган исириқ тановул қилса, қорин оғриғига даво топади.**

● Агар кишида қабзият бўлса, карафс (селдерей) уруғидан тановул қилсин.

● **Агар кишининг қорни оғриса, турп уруғини сут билан ичиши лозим. Худди шу дavailable дори юздаги сепкилни ҳам кетказади.**

● Исириқ қовурмаси юрак хасталикларига фойдалидир.

● **Юраги хаста кишиларга исириқни туйиб, майда элакдан ўтказиб, кунжут мойини қўшиб, ҳар куни уч мисқолдан тановул этиш тавсия қилинади.**

● Мадор қуриш, тана ҳароратининг ортиши, бўйин, қулоқ, кўз атрофидаги оғриқлар – қон айланиши бузилганининг аломатидир.

● **Агар қонингиз меъёрга тушишини истасангиз, хурмо, олча ва гулобдан шарбат қилинг, уч кун ҳар наҳор оч қоринга ичинг.**

● Сурункали зарда бўлган киши равоч истеъмол қилсин. Аммо эркак одам уни меъёридан оширмасин, жинсий қуввати маълум муддат пасаяди.

● **Оғизда нордон-аччиқ маза, бош оғриғи, кўл-оёқ шиши, гижжа, кўз тиниши – балғамдандир.**

● Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.

● **Анжирни сутда қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади.**

● Йўталдан қийналган одам буғдойни қайнатиб, қайнатмани сутга омухта қилсин ва хуфтондан кейин ичсин.

● **Йўтал қийнаган киши яна турпни асал билан еса ҳам бўлади.**

● Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани тозалайди ҳам.

● **Овози бўғилган кишига турп уруғи қайнатмаси яхши фойда қилади.**

● Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.

# БОШҚАЛАРГА САБОҚ БЎЛСИН

*«Меҳмон – атои худо», – деган ақидага деярли ҳамма риоя қилади. Бу миллий удумимиз. Халқимиз азалдан меҳмондўст. Лекин афсуслар бўлсинки, ҳаётда баъзида ана шундай муқаддас удумимизни оёқ ости қилувчилар, кўнгли очиқ инсонларнинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб, тузини ичиб, тузлуғига тупурадиганлар ҳам учрайди.*



«Оиламиз бошига мусибат тушди, – дейди эндигина 35 ёшлардан ошган аёл кўз ёшларини тўхтатолмай. – Қайнотам ёлғизгина ўғлидан ажралиб, бу кўргуликка чидолмай касалманд бўлиб қолдилар. Болаларим отасиз, мен эса ногирон бўлиб қолдим.

Бир йил олдин эрим касалхонада даволаниб чиққанди. Касалхонада ўзи билан бир хонада ётган сурхондарёлик йигит билан иноқлашиб қолишибди. Эрим тузалиб уйга кетар пайти янги орттирган дўстига яшаш манзилимизни айтиб, агар Тошкентга йўли тушиб қолса, меҳмонга келишини тайинлабди. Ҳалиги таниши ҳам ўзини узоқ куттирмай ёнида бир йигит билан, каттагина қоғоз қутини олма ва нокка тўлдириб: «Бу Сурхондарёдан сизларга совға», – деб уйимизга кириб келди. Эрим уларни ўз қадрдонини кўргандек очиқ юз билан кутиб олди. Йигит ёнидаги ҳамроҳини «Тоғамнинг ўғли», – деб таништирди. «Тоғасининг ўғли» аллақайси коллежни тугатган экан, дипломини олишга келибди. Эрим дарҳол уларни меҳмонхонамизга бошлади. «Меҳмонларнинг ҳурматини жойига қўяйлик», – деб ўзи ош дамлади. Хуллас, дастурхон устида улар билан ярим тунгача гурунглашиб ўтирди. Сўнг ухлашга ўрин солиб бердик. Эрталаб нонуштадан сўнг меҳмонларимиз биз билан хайрлашиб чиқиб кетишди. Болалар мактабга, эрим билан мен ишга кетдик. Ўша куни кеч соат саккизларда меҳмонлар «Ишимиз битмади», – деб яна қайтиб келишибди. Мен ҳали ишдан қайтмаганлигим сабабли эрим уларни уйимиз ёнидаги чойхонага олиб бориб яна меҳмон қилибди. Уйга кечки соат ўн бирларда кириб келишди. 16 ёшга тўлиб қолган катта ўғлимиз уларга ўрин тўшаб берди. Ўзи ҳам ўша хонада ухлади.

Ҳаммамиз ухлагани ётдик. Эрим тезда хуррак ота бошлади. Тунги соат иккиларда уйимизда бақир-чақир бошланиб қолди. Эрим уйғониб меҳмонлар ётган хонага югурди. Мен ҳам унинг изидан эргашдим. Қарасак, ўғлим диван олдида афт-ангори қонга бўялган ҳолда турибди. Иккала меҳмон уни қўйиб, эримни ўртага олиб калтаклай бошлашди. Ўғлим пайтдан фойдаланиб ташқарига югурди. Қўллари қалтираб, эшикни зўрға очди. Уни кўрган меҳмонлардан бири югуриб келиб, боламнинг орқа-сига, қўлларига пичоқ ура бошлади. Лекин ўғлим уни силтаб ташлаб, ташқарига қочиб чиқди. Унинг изидан мен ҳам чиқиб, қўшниникига қараб қочмоқчи эдим, ўғлимга ташланган йигит изимдан қувиб етди-да, орқамга пичоқ урди. Сўнг юзимга ва бўйнимга мушт туширди. Йўлакдан кўчага чиқиб қочаётган ўғлимни кўриб, яна унинг орқасидан қувиб кетди. Бу орада мен ҳам йўлакка чиқиб, кўчага қочмоқчи бўлдим. Лекин уйдан иккинчи йигит югуриб чиқди-да, мени тутиб олди. У қорнимга пичоқ урди.

Бақир-чақирдан қўшнилар югуриб чиқиб, тез ёрдам ва милицияга хабар беришибди. Оғир операциядан сўнг беш кун деганда ҳушимга келибман. Эримни «меҳмонлар» томонидан ўлдирилганлигини, ўғлим ҳам шу касалхонада бир неча кун даволаниб, омон қолганлигини билдим. Қотилларни ўша куннинг ўзидаёқ қўлга олишибди. Суд жараёнлари давомида меҳмонларнинг асл башаралари аниқланди. Маълум бўлишича, иккала йигит ҳам илгари ўғрилик қилиб, тутқич бермай юрганлардан экан. Улар яшайдиган ижара хонадондан қўлқоп ва ниқоблар топилибди.

Ўғлим ўша мудҳиш тунда меҳмонларнинг уйимиздан пул ва қимматбаҳо буюмлар излаётганларини кўриб қолган. Улар ими-жимида боламни гумдон қилмоқчи бўлишган. Улар қонунга биноан қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Аммо... болаларимнинг отаси, суянган тоғим, қадрдоним, энди қайтиб келмайди. Шикастланган ошқозоним ҳам, эзилган жигарим ҳам тузалиб қолмайди. Шундай бўлса-да, Аллоҳга шукур, шифокорларга раҳмат, болаларимнинг бахтига тирик қолдим. Омон бўлсак, бир кунимизни кўрармиз. Фарзандларим ўсиб, ҳаётда ўз йўлларини топишар.

Бу гапларни сизга айтишдан мақсадим, бизнинг бошимизга тушган кўргуликлар ҳақида газетага ёзинг. Бошқалар ҳам бу воқеадан хабар топишсин. Ўзингиз биласиз, халқимиз жуда меҳмондўст халқ. «Меҳмоннинг иззат-ҳурмати», деб уйининг тўридан жой беради. Топган-тутганларини унинг олдига қўйиб, тансиқ таомлар пиширади. «Хуш келибсиз», деб ўзи пойгакда ўтириб, унга хизмат қилади. Лекин ҳамма ҳам дўст бўлавермас экан. Ҳушёр бўлиш керак экан. Айниқса ҳозирги пайтда. Акс ҳолда соддалик қилиб, биз каби қуйиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳеч кимга бошимизга тушган кунни раво кўрмайман. Бизнинг кўргулигимиз барчага сабоқ бўлсин. Ҳамиша дўсту душманлардан огоҳ бўлиб юришсин, нопок кимсаларнинг озор чекмасинлар».

Аёл кетди. Унинг ғамгин ҳикояси ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Ҳушёрлик борасида у ҳақ гапни айтди.

**Лола АҲМЕДОВА.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Оҳангарон шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, капитан Э. Йўлдошевга турмуш ўртоғи

**Лола ЙЎЛДОШЕВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор

**Акром АЗИМОВнинг**

фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН**

# БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 17 март куни Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҲООБ ходимлари томонидан шу туман ҳудудида адашиб юрган 4 ёшлар чамасидаги қизча олиб келинди. Қизча ўзини **Озода** деб таништирди. У ота-онаси, яқин қариндошлари, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 115-120 см, ўртача гавдали, кўзлари, қошлари, сочи қора, юзи думалоқ, лаби ингичка, қулоқлари ёпишган.

**Кийимлари:** эгнида жигарранг пальто, яшил ранг трико, оёғида оқ шиппак бўлган.

***



Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 13 март куни, Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ ходимлари томонидан Чилонзор-7 мавзесида адашиб қолган 6 ёшлар чамаси қизча олиб келинди. Қизча ўзини **Ангилина** деб таништирган, ота-онаси, яқин қариндошлари, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 120-125 см, ўртача гавдали, юзи думалоқ, кўзлари мовийранг, сочи қора, қошлари сийрак, лаблари ингичка.

**Кийимлари:** эгнида қизил пальто, кўк рангли жемфир, кўк рангли шим, бошида кўк рангли шапка, оёғида оқ шиппак бўлган.

**Қизчаларнинг ота-онаси, яқин қариндошлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар: 191-52-37, 191-34-31**

***



Фарғона вилояти ИИБ Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 6 март куни Марғилон шаҳар ИИБ ҲООБ инспектори томонидан шу шаҳарда адашиб юрган 8 ёшлардаги қиз бола келтирилди. Қизча ота-онаси, исм-шарифи, яшаш манзили ҳақида маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 120-125 см, озғиндан келган, сочи, кўзлари, қошлари қора, руҳий касал.

**Кийимлари:** эгнида қизил гулли халат, лозим, қизил свитер, оқ, гулли футболка, оёғида кўк рангли резина шиппак бўлган.

Ҳозирда у Қўқон шаҳридаги руҳий касалликлар диспансерига ётқизилган.

**Қизчанинг ота-онаси, яқин қариндошлари Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар 8-373-55-3-45-31, 8-373-55-2-24-56.**

***



Тошкент вилояти ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 16 март куни Оҳангарон шаҳар ИИБ ВВЁҲООГ ходими томонидан қаровсиз, адашиб юрган 8 ёшлардаги ўғил бола келтирилган. Бола гапириш қобилиятига эга эмас, ўзи, ота-онаси, яшаш манзили ҳақида маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 110-120 см, кўзлари қора, сочи қора калта, қошлари қора, қалин, қулоқлари катта.

**Кийимлари:** эгнида кўк рангли спорт кийими, кўк жемпер, оёғида қора кроссовка бўлган.

**Боланинг ота-онаси, яқин қариндошлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефон: 8-260-2-40-11.**



– Бўлди. Ҳазилинг бор бўлсин, ўғлим...
Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**

Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



# КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗУН ВА СЕРМАЗМУН БЎЛАДИ

***Жарроҳ наркоздан сўнг ўзига келган бемордан сўради:***

***– Операция яхши ўтди, қалайсиз?***

***– Р-раҳмат... Лекин мен жарроҳлик хонасига сув кранини тузатиш учун кирган эдим...***

* * *

Икки ўртоқ жанжаллашиб қолишди.

– Сен ҳайвонсан! – деди биттаси иккинчисига.

– Хўп, мен ҳайвонман, – деди иккинчиси. – Фақат бир саволим бор:

– Мен сенинг дўстинг бўлганим учун ҳайвонманми ёки ҳайвон бўлганим учун дўстингманми?...

* * *

***Шифокорнинг олдига иккита бола йиғлаб келди:***




***– Нега йиғляпсан? – сўради шифокор.***

***– Ўн сўмлик тангани ютиб юбордим, – деди бири.***

***– Сен-чи? – сўради шеригидан.***

***– Ўша танга меники эди, – деди иккинчиси.***

* * *

Кўчада кетаётган одамга тилини кўрсатган набирасини уришди:

– Уят эмасми Гулноза! Катта одамга тил кўрсатишингни қара-я.

– Йўқ, бу унга ёқади, чунки боғчамизга оқ халатда келганда доим тилингни кўрсат, деб сўрайди.

* * *

***Фермернинг хотини эрига деди:***

***– Эртага турмуш қурганимизга 25 йил бўлади! Шу сабабли битта буқа сўйсакмикан?***

***– Қизиқсан-а! Бечора буқада нима айб?***




* * *

Театрда ёнма-ён ўтирган аёл беш ёшлар чамасидаги боладан сўради:

– Театрга ёлғиз ўзинг келдингми, ўғлим? Билетни сенга ким олиб берди? Ўзинг олдингми?

– Йўқ, – хотиржам жавоб берди бола. – Дадам сотиб олганлар.

– Дадангнинг ўзи қаерда? – ажабланди аёл.

– Уйда, билетни қидиряптилар...

* * *

– Ойи, анави кишини қаранг, бошида сочи йўғ-а?

– Жим, секин, эшитиб қолади.

– Ие, буни ҳали ўзи билмайдими?

* * *

***Маст йўловчи бир аёлни учратиб қолиб, деди:***

***– Хоним, ёшингиз нечада?***

***– Ўзингиз нечада деб ўйлайсиз?***

***– Йўғ-е, инсон бунчалик кўп яшолмайди.***

* * *

Қадимий Рим тўғрисидаги фильм суратга олиняпти. Режиссёр актёрга қараб бақирди:

– Қўлингиздаги соатни дарҳол ечиб қўйинг!

– Нимага? Унда фақат Рим рақамлари ёзилган-ку!

* * *

***– Ўтган ҳафта хотинимнинг кўзига қум тушди. Кўз дўхтирига бориш эса 1000 сўмга тушди, – деб шикоят қилди бир эркак улфатига.***

***– Ҳеч гап эмас экан-у, – тинчлантирди иккинчиси. – Ўтган ҳафта менинг хотинимнинг кўзи чарм плашчга тушган экан. Дўконга кириб чиқиш 100 минг сўмга тушди.***

# ҲОЗИРЖАВОБ НАСРИДДИН

Хўжа Насриддин мато бўяйдиган устахона очибди. Уни кўролмайдиган бир таниши келиб дебди:

– Хўжам, шу матони бўяб берсангиз.

– Марҳамат, – дебди Афанди, – қандай рангга бўяй?

– Дунёда йўқ рангга.

Афанди ажабланибди:

– Дунёда қанақа ранг йўқ экан? Мундоқ тушунтириброқ гапиринг.

– Хуллас, бу ранг оқ ҳам, қора ҳам, қизил ҳам, кўк ҳам, яшил ҳам, сариқ ҳам бўлмасин.

Хўжа Насриддин буюртмачи уни масхара қилаётганини сезибди.

– Майли, – дебди Афанди, – айтганингиздек қилиб бераман.

Буюртмачи кинояси иш берганидан қувониб кетибди:

– Хўш, қачон келай?

– Сиз шундай кун келингки, – дебди Афанди, – бу кун душанба ҳам, сешанба ҳам, чоршанба ҳам, пайшанба ҳам, жума ҳам, шанба ҳам, якшанба ҳам бўлмасин.



## Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

***Бекатга навбатдаги автобус келиб тўхтади. Бекатда турган йигит билан қиздан ташқари ҳамма автобусга чиқиб бўлди. Фақат бир бўйдоқ йигит ёнидаги қизга илтифот билан дерди:***

***– Жоним, сиз аввал чиқинг, кейин мен!***

***– Йўқ, аввал сиз чиқинг, мен кейин чиқаман, – деб қиз йигитга йўл берди. Шунда йигит бир қўлини кўксига қўйиб, ёлворди:***

***– Жоним, йўқ деманг, аввал сиз чиқа қолинг!...***

***Йигит билан қизнинг ҳаракатларини кузатиб турган автобус ҳайдовчиси ўшқирди:***

***– Ҳой йигит, аввал сен чиқ, кейин жонинг чиқади!***

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Sadriddin SHAMSIDDINOV
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2220. Bosilish - ofset usulida. Hajmi – 6 bosma taboq. 55706 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Ⓝ- Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.